37
У29

37(07)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**(Илмий-услубий қўлланма)**

20350922

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitet
373377
Axborot ... Markazi

Тошкент - 2012

378 Всего образ

**ББК 74.26, П29**

Рахимов Б.Х., Сейтхалилов Э.А., Маджидов И.У., Ражаббаев Р., Умаров А.А. Узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартларини яратиш технологияси. Илмий-услубий қўлланма/ Т.: “Тафаккур-Бўстони”, 2012. -88 б.

Ушбу илмий-услубий қўлланмада узлуксиз таълим тизимидаги давлат таълим стандартларининг мақсади, вазифалари ва функциялари ёритилиб, узлуксиз таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлашда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишнинг оқилона йўлларини топиш, уларни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш, таълим тизимига замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма давлат таълим стандартлардан бевосита фойдаланувчилар – таълим муассасалари ходимлари, ишлаб чиқувчилар, педагог-ўқитувчилар, услубиётчилар, ўқув жараёнининг ташкил этувчилари, ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълимни бошқарув мутахассислари, талабалар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Илмий-услубий қўлланма иктисод фанлари доктори, проф., Б.Ю.Ходиев таҳрири остида тайёрланган.

**Тақризчилар:**

и.ф.д.,проф.,Б.Атаниязов - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бош эксперти.
проф. Н.Зикриллаев ТДТУ проректори,
проф, Р.Сайфутдинов – ТКТИ ўқув-услубий бошқарма бошлиғи,
и.ф.н., доц. Б.Усмонов – ТДИУ ўқув-услубий бошқарма бошлиғи,
доц., Д.Толипов – ЎзМУ ўқув-услубий бошқарма ходими.

Мазкур илмий-услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Илмий Кенгашининг 2012 йил 8 октябрдаги 10/1 - сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

*©Рахимов Б.Х., ва бошқалар, 2012*

# МУНДАРИЖА

Бет.


КИРИШ .................................................................................................... 4
I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида стандарт талқини.............. 5
II. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, стандартлаштириш объектлари, йўллари, вазифалари ва тамойиллари... 8
III. Давлат таълим стандартлари ва унинг компонентларига қўйиладиган талаблар ......................................................................... 13
III.1. Давлат таълим стандарти малака тавсифномаси тавсифи ………... 14
III.2. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторининг тавсифи .................................................................. 16
III.3. Таълим босқичлари ва йўналишлари ўқув режаларининг тузилмаси ................................................................................................. 17
IV. Давлат таълим стандартларини ишлаб этиш ва такомиллаштириш тартиби ..................................................................................................... 21
V. Олий таълимнинг янги авлод давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тамойиллари ............................................. 23
VI. Янги авлод давлат таълим стандартининг намунаси .................... 29
VII. Хулоса Ва Тавсиялар ........................................................................ 69
Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати .................................................... 70

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўгрисидаги” Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг таълим тизимига боскичма-босқич жорий этилиши натижасида узлуксиз таълим тизимига реал ўзгартиришлар киритиш учун янги истиқболлар очилмоқда. Уларнинг амалга оширилиши – шахснинг сифатли таълим олишини ва битрувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини таъминловчи иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимини топиш билан боғлиқ бўлган мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади.

Таълим тизимида маъмурий-буйрукбозлик тизимидан демократик ва дифференцациялаиган тизимга ўтувчи эволюцион жараён содир бўлмоқда. Таълим тизимининг янги боскичга ўтиш жараёнида айрим услубий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Буларга куйидагилар киради:

- баркамол авлодни шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал таълим-тарбия билан боғлик турлича йўлларини шакллантириш;
- халқаро меъёрлар бўйича таълимнинг асоси ва ядросини ташкил этувчи таълим-тарбиянинг ўта мухим томонлари эътиборга олинган ўқув режалари ва фан дастурларининг қабул килиниши;
- битирувчининг касбий маҳорати ва фуқаролик позицияларини шакллантирувчи ўқув дастурларини, ўқув юкламаларини оптималлаштириш;
- шахснинг бутун умри давомида сифатли таълим олиши учун узвийлик ва узлуксизликни таъминлайдиган, мамлакатда иқтисодий-ижтимоий янгиланишга ўтиш талабларига мос ўқув дастурларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- тегишли таълим турининг максад ва вазифаларига адекват бўлган таълим олувчиларнинг эришган натижаларини баҳоловчи рейтинг тизимини яратиш, ривожлантириш ва жорий этиш;
- иктисодиётнинг модернизациялаштирилаётган соҳалари бўйича касб ва мутахассисликларга эга бўлиши учун зарур бўлган қўшимча тўловли таълим хизматларини таълим соҳасига жорий этиш;
- ўзининг мазмуни, тили ва жанри бўйича тарбиявий ва педагогик функцияларни бажаришга эга бўлган ўкув адабиётлари ва қўлланмаларини яратиш.

Булардан ташкари давлат таълим стандартларини **(ДТС)** ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш доирасида фан ва техниканинг охирги ютукларини ҳамда замоновий технологияларни жорий этиш заруряти пайдо бўлмоқда.

Бугунги давр кадрлар тайёрлаш сифатинг пасайишини олдини олиш, таълимни прогрессив ташкил этиш ва мазмунан бойитиш, таълимнинг келажак тараққиёти йўлида мақбул шароитларни яратиш максадида, тўпланган бой миллий тажриба, ривожланган иқтисодий демократик давлат сифатида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида **янги авлод давлат таълим стандартларини** ишлаб чиқиш ва жорий қилишни талаб этмоқда.

Мазкур қўлланмада Давлат таълим стандартларининг турлари ва компонентлари, умумий ва специфик талабларини ёритишда Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг ривожланиши ва фаолиятини шакллантиришни регламентлайдиган норматив ҳужжатлардан фойдаланилди.

Аксарият ҳолларда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, функциялаштириш ва такомиллаштиришда олий таълимнинг ДТСларини ишлаб чиқиш тажрибаларидан фойдаланилди.

Мазкур қўлланма узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартларини ва унинг компонентларидан бевосита фойдаланувчилар, педагог-ўқитувчилар, ўқув жараёнини ташкил этувчилар, ишлаб чиқариш, фан ва таълим, жамоатчилик ташкилотлари мутахассислари. таълим соҳасининг бошқарув кадрлари ҳамда талабалар учун мўлжалланган.

## I. МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИДА СТАНДАРТ ТАЛҚИНИ

Миллий таълим стандартларини яратиш тенденцияси кўпгина давлатлар таълим тизимини яратиш учун характерли. Кўпчилик давлатларда ушбу ҳужжат “Таълимни стандартлаштириш”, “Таълимнинг давлат стандарти”, “Таълим стандарти” каби турлича номларда ишлаб чиқилган. Уларнинг таҳлили натижасида ҳужжатлар мазмуни ва шакли бўйича бир-биридан фарқ қилиши, ҳар хил сабаб ва мақсад бўйича амалиётга жорий этиш тартиблари ишлаб чиқилганлиги аниқланди.

Айрим мамлакатларда таълимнинг мақсад ва вазифаларининг батафсил ёритилиши стандарт сифатида қабул қилинса, бошқаларда эса ўқувчиларнинг шахсий сифатини диагностика қилиш билан биргаликда уларнинг эришган ютукларини баҳолаш ва текшириш тизими стандарт сифатида қабул қилинган. Европа иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари мутахассислари томонидан кадрлар тайёрлашнинг ягона малакавий критериялар лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бирок ушбу давлатларда ўқув жараёнининг ташкил этилиш анъанасидан фарқли равишда, бизда кўп йиллар давомида Респбликамиз узлуксиз таълим тизими боскичларида барча таълим муассасалари учун ягона ўқув режалар, дастурлар ва дарсликлар яратилган.

Давлат таълим стандартлари (ДТС)ни жорий этилишида таълим тизимини тартибга солиш ва кўзланган натижаларга эришиш учун уни давлат ва халқаро меъёрий хужжатлар доирасида эътироф этилиши энг муҳим шарт ҳисобланади. Шу ва шунга ўхшаш хужжатлар асосида белгиланган тартиб ва қоидалар таълим жараёнининг барча иштирокчилари - вазирликлар, корхоналар, таълим муассасаси раҳбарлари, педагог-ўқитувчилар, ўкувчилар ва ота-оналар учун сўзсиз риоя этиш лозим бўлган нормаларга айланади.

Ўзбекистон Республикасида шунга ўхшаш ва кенг қамровда қабул қилинган ҳужжатларга: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисидаги” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби ҳужжатларни киритиш мумкин. Шунинг билан биргаликда қайд этилган ҳужжатлар фақат таълим жараёнида пайдо бўлган умумий мунособатлар ва тамойилларни

регламентлайди. Қонуннинг аниқ мақсадларини жорий этиш ва унда қўйилган талабларга амал қилиш учун таълим жараёнининг барча иштирокчиларига мўлжалланган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш талаб этилади.

Таълим жараёни ҳар доим мос меъёрий ҳужжатлар билан ташкил этилади ва бошқарилади. Бугунги кунда ушбу вазифани давлат таълим стандарти билан амалга оширилади.

Стандарт (ингилиз тилида standard→to stand - барқарор бўлиш, турғунлик) – бирор нарсанинг намунали ўлчами, шакли ва сифати демакдир. Стандартнинг асосий вазифаси жамиятнинг эҳтиёжини қондириш учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган инсон фаолияти ва муносабатларини ташкил этиш ва бошқаришдан иборат.

Стандартлаштириш (стандартни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш) жамият эҳтиёжининг тарихий ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган амалиётни тартибга келтириш бўйича объектив зарурий фаолият.

Бу мақсадга эришиш бўйича таълим стандарти сифатида қабул қилинган малака даражаси ва маълумотлиликнинг давлат меъёри, истиқболда таълим тизими ва реал шахс имкониятларини ҳисобга олувчи асосий параметрлар тушунилади.

Бизнинг мамлакатимизда таълимни стандартлаштириш 1993 йилда бошланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406 - сонли Қарори ва 1992 йилда “Таълим тўғрисида”ги Қонун).

Мазкур ҳужжатлар асосида ДТС тўғрисида Низом, ДТСларни жорий этиш тартиби, ДТСларнинг вазифаси, объектлари ва компонентлари аниқлаштирилди ҳамда таълимнинг маълум босқичларида битирувчиларга қўйиладиган талаблар ва бошқалар ўрнатилди.

Шунинг билан биргаликда ДТСларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича қатор назарий-услубий, асосан ташкилий ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Натижада мазкур ишнинг зарур ва фойдали эканлиги маълум бўлди. Бу ДТСнинг амалиётга жорий этилиши ва таълимда стандартлаштиришга асос бўлди.

Бугунги кунда “Таълим тўғрисидаги” Қонуннинг 7 - моддасига мос таълим мазмунига қўйилган умумий талаблар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Низоми талаблари асосида ДТСлари ишлаб чиқилди.

ДТСларини ишлаб чиқилишини унификациялаштириш, уларни тасдиқлаш тартибини аниқлаштириш ва ўқув жараёнига киритиш учун Ўзбекстон Республикасининг Қарорлари: Ўзбекстон Республикасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги 5 - сонли, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343 - сонли Қарорлари қабул қилинган.

ДТС - “Таълим тўғрисида”ги Қонунни шарҳлаб берувчи ва унинг бажарилишини таъминловчи асосий меъёрий ҳужжатдир. ДТС - ўқув режа, фан дастурлари, ўқув адабиётлари ва бошқаларни яратиш учун асосий ҳужжат ҳисобланиб, таълим сифати, унинг мазмуни, структураси ва тақдим этиш

тартибини, таълим бериш натижаларини баҳолаш шакллари ва усулларини белгилаб беради, таълим мазмунини ривожлантиради ва аниқлаштиради.

Бевосита ДТС ёрдамида жамият ривожининг истиқболига жавоб берувчи талаб этилган таълим босқичларини барқарор таъминлаш учун уни доимий такомиллаштириб бориш ва амалга ошириш таъминланади.

Шунинг билан биргаликда ДТС ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар, таълимнинг ядросини ташкил этувчи вариатив дастурлар ва турли кўринишдаги таълим технологияларидан фойдаланиш учун имконият яратади.

Таълим тизимининг асосий кўрсатгичи унинг инсонпарварлиги ва демократик характерда эканлиги, узлуксизлиги ва изчиллиги, ваколатли давлат органи томонидан марказлаштирилиши ҳамда таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланиши билан характерланади.

## II. ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ЖОРИЙ ЭТИШ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИ, ЙЎЛЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

ДТСнинг **асосий вазифалари:**

- таълимнинг жамоатчилик учун очиқлигини;
- таълим мазмунининг халқаро даражага мослигини;
- барча таълим боскичларида таълим жараёнини бошқариш ва назоратни;
- ижтимоий тартибга келтиришни;
- таълимни инсонпарварлаштиришни;
- таълим сифатини оширишни таъминлаш.

ДТС, унинг мантиқийлиги, тузилиши, мазмунан максади **куйидаги тамойилларга** асосланган:

***Тизимлилик*** - таълимда ҳар қандай объектнинг стандартлаш-тирилишида юкори тизим таркибига кирувчи тизим ости ва элементлардан таркиб топганлигига;

***Ўз-ўзини ташкил этиш*** - таълим соҳасида ҳар қандай тизимининг объектини стандартлаштиришда унинг ўз-ўзини ташкил этиш механизми очик, ночизиқ ва нисбатан барқарор бўлмаган тизим, ҳамда таълим олувчиларнинг шахсий модели сифатида караш орқали ташкил этилганлигига;

***Мақсадга мувофиқлик*** - стадартлаштириш замирида таълимнинг муайян даражада ривожланишига, яъни, истиқболда ижобий иқтисодий самарадорликка имкон берадиган обьект эканлигига;

***Оптималлик*** - республика минтақалари таълим муассасалари фаолиятига чекловлар қўйилишига ортиқча регламент белгиланишига сабаб бўлмаслиги, лекин мамлакат таълим сифати даражаси ва унинг узвийлигининг таъминланганлигига;

***Узвийлик ва узлуксизлик*** - узлуксиз таълимнинг ривожланишига имконият туғдирадиган таълим тизимидаги барча меъёрланадиган кўрсаткичлар вертикал бўйича ҳам (таълим босқичлари ва даражалари бўйича), горизантал бўйича ҳам (боскич ва даража чегарасида) бир-бири билан ўзаро боғлик бўлишига, ДТС ҳужжатларининг бажарилишининг таъминлашига;

***Очиқлик ва ошкоралик*** - таълим хизматларини бажарувчилар ва улардан фойдаланувчиларнинг ижтимоий-иктисодий ҳамкорлигига, келишувига. Барча манфаатдорларнинг ахборот билан таъминлашига;

***Фойдалилик*** - стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар сертификатлаштириш мақсадида ишлатиш учун фойдали бўлишига;

***Инсонпаварлик*** - шахснинг, касбий жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантиришига ижтимоий баркарорлигига ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган ДТСни яратишга;

***Минтақавийлаштириш*** - стандартлаштиришда таълим соҳасининг факат давлат муаммоларининг ечилиши билан биргаликда минтақавий муаммоларни ечишга ҳам қаратилганлигига;

*Ўсувчанлик* - стандартлар меҳнат бозоридаги эҳтиёжлардан илгарилаган ҳолда аҳоли билим даражасини белгилашга хизмат қилишига.

Қуйидагилар таълимни стандартлаштиришнинг **асосий объектлари** қуйидагилар ҳисобланади:

- таълим мазмуни;
- таълим хизматлари;
- ўқувчилар билимини ташхислаш;
- таълим муассасалари аттестацияси ва аккредитацияси;
- педагогик ходимлар аттестацияси;
- илмий тадқиқотлар ва уларнинг таълим амалиётига тадбиқ этилиши.

Стандартлаштиришнинг объекти сифатида - таълим тизимида кўп маротаба фойдаланиладиган ва ишлатиладиган талаблар, меъёрлар, қоидалар, усуллар, терминлар ва бошқлар бўлиши мумкин.

ДТСларни ишлаб чиқишда **муҳим принципиал ёндашувлар** қуйидагилар:

- ижтимоий-маданий муҳит ҳолатини таҳлил қилиш; келишув асосида стандартни қабул қилиш ва манфаатдор томонлар эҳтиёжлари ва талабларини ҳисобга олиш;

- стандартлаштириш объектларининг яхлитлиги, тизимлилиги ва функционал бутунлиги сақланган ҳолда соддалаштириш (таълим мазмуни ва бошқалар ўлчов бирлиги);

- стандартларнинг таълим соҳалари ва босқичлари бўйича узвийлиги ҳамда келишилганлиги;

- стандартларнинг самаралилиги ва уни такомиллаштириш имкониятлари;

- юқори технологияли инструментал текширув имкониятлари.

Ушбу ёндашувларнинг ДТСларида ўз аксини топиши ва уларнинг ўзаро мужассамлиги таълимни демократлаштирувчи қудратли восита бўлиб, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

**Таълим стандартининг вазифалари**

| Вазифалар номи | Моҳияти ва функцияси |
|---|---|
| **Прогессив (тараққийпарвар) ривожланиш функцияси** | Тегишли таълим тизимини янги сифати босқичига кўтариш, прогессив (тараққийпавар) ривожланишга йўналтириш |
| **Меъёрий функцияси** | Семантика талаблари билан боғлиқ бўлган таълим жараёнининг пронозлаштирилган натижаси сифатида йўналишни ўрнатиш |
| **Ҳуқуқий функцияси** | Стандарт томонидан ўрнатилган нормалар билан мос шахс ва иш берувчининг қизиқишларини кафолатлаш:<br>жамиятдаги иш жойида адаптация имкониятлари;<br>таълим олиш ва давом эттириш. |

| | |
|---|---|
| **Информацион функцияси** | Таълим тизимининг очиклигини кафолатлаш. Аник мутахассислик бўйича таълим мазмуни даражаси тўғрисида бемолол информация олиш имкониятини таъминлаш. |
| **Расмий функцияси** | Таълимни стандартлаштириш максади билан мос ва бир ёклама, аниқ, маълум шакл бўйича илмий билимларни кўрсата билиш ва ифодалай олиш |
| **Ўлчов функцияси** | Стандартда таълимнинг ўзаро боғлик сифат ва миқдорий кўрсатгичларини ўрнатиш |
| **Солиштириш (тенглаштириш)** | Таълим жараёни натижаларини солиштирилишини таъминлаш. |
| **Коммуникатив** | Давлат талабининг оптималлаштирилган мувозанатини ўрнатиш оркали ижтимоий ҳамкорлар, таълим соҳаси, жамоатчилик қизикишларини бирлаштириш |
| **Ёритиш функциясининг мувофиқлиги** | Ҳақиқий талаб эҳтиёжларидан келиб чиқиб таълим сифати ишончлилик даражасини таъминлаш. Стандарт юқори илмий-амалий даражада ишлаб чиқилиши керак. |

Ўқувчининг қизикиши, интилиши, иштиёқи ва савиясидан келиб чиккан ҳолда таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмуни жиҳатидан таълим муассасаси, минтака эҳтиёжларини билан давлат эхтиёжлари орасидаги мувозанатни(баланс)нинг сакланишини ўзида ифодалайди.

Давлат таълим стандартининг жорий этилиши таълим жараёнини бошкаришда, ўкувчиларга таълим-тарбия бериш ва уларнинг савиясини оширишда ижобий ўзгаришларни амалга оширади.

Ўз навбатида, ДТС - кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган минимал талабларни; таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражасини ҳамда таълим муассасаларининг битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини; ўкув юкламасининг зарур ҳажмини; таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини бахолаш тартиби ва механизмини белгилайди. Ўкувчилар томонидан албатта ўзлаштирилиши лозим бўлган малака, кўникма ва билимларни мустахкамлаш ва онгли равишда ўзлаштириши лозимлиги шахс онгига сингдиради.

Ушбу натижаларга эришиш учун давлатнинг таълим сиёсати амалга оширилиши, ўкувчилар эса буни ўзининг жамият олдидаги маънавий бурчи сифатида қабул қилиши керак. Шу ўринда ДТСда белгиланган талабларнинг бажарилиши ва шу асосда ижобий баҳога эришиши ўкувчиларнинг мажбуриятига айланади. Шунинг билан биргаликда, таълим тизимини ташкилий-бошкарувининг асосий йўналиши шахснинг юқори даражада ривожланиши учун барча шароитларни яратишга йўналтирилган бўлиши лозим. Таълим олаётганлар ДТСда белгиланган талаблардан каноатланиши

билан биргаликда уни янада ривожлантиришни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунга ўхшаш қарорлар таълим технологияларида ҳам ўқув-тарбиявий жараёнда хам қўлланиладиган анъанавий ёндошувларни кескин ўзгартиради. Шу сабабли ўқувчилар таълим жараёнининг етакчи иштирокчиларига, таълимнинг асосий субьектига айланади.

Шунинг билан биргаликда ДТСнинг жорий этилиши ўқув жараёнига дифференциал ёндашувни амалга ошириш заруриятини туғдиради, шунга муносиб тарзда бошкарув жараёнига тузатишлар киритилади. Дифференциал ёндашув хусусияти бўйича ДТСда эътиборга олинган ёки анча юқори таълим сифатига, таълим талаблари даражасини ёки босқичини танлашда бошланади. Бундай ҳолатларда бошқарувчилик функцияси ўқувчиларга мажбурий талаблар билан чекланиб қолмасдан, балки, юқори талаблар асосида таълим олишини таъминлаши лозим бўлади.

ДТС ўқув жараёнининг барча иштирокчилари учун тайёргарлик даражасига қўйилган талабларнинг очиқлигини кўзда тутади. Бу талаблар, ўқитишни талқин қилиш шакллари ўқувчилар билан биргаликда уларнинг ота-оналари учун ҳам очиқ бўлиши керак ва шу оркали педагогик жамоанинг бошқарувчилик қобилиятини кучайтиради. Талабларнинг очиклиги ўқувчиларга билим эгаллашга фаоллигини, ўқув жараёнида эришадиган натижаларига қизиқишларини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, ўқитишнинг мотивацияси, ўқув фаолиятига онгли тарзда муносабатларнинг шаклланишига имкон беради.

ДТСлардан фойдаланиш ва унинг бошқарув функциясининг амалга оширилиши амалдаги назорат ҳамда ўқувчилар билимини баҳолаш тизимида туб ўзгаришлар киритиш имкониятларини беради.

ДТСларининг киритилиши ўқувчиларни тайёргарлик сифатини ўлчаш тизимини ишлаб чиқишда волюнтаризмга чек қўйиб, таълим олувчиларнинг билими ва малакасини баҳолашни унификациялаштиради ва назоратнинг объективлигини ва очиқлигини оширади.

Мутахассисларнинг фикрича, ДТСларининг киритилиши узлуксиз таълим тизимидаги ҳар бир таълим муассасаси тўғрисида ишончли маълумотлар олишни таъминлайди. Олинган ишончли маълумотлар тўплами барча иерархик “поғоналарда” асосли бошқарув хулосаларни кабул қилиш учун ўқитувчилар ва таълимни бошқарув раҳбарларигача шароитлар яратади: педагог-ўқитувчилардан тортиб (оптимал усулларни танлаш, таълим бериш жараёнини ўз вақтида тузатиш, таълимни асосли дифференциаллаш, тарбия ва ривожланиш ва бошқалар) таълимни бошқарувчи раҳбарларигача (таълим холатини яхшилаш бўйича хусусий чоралар қабул қилиш, ўқув режа, дастур ва дарсликларга ўзгартиришлар киритиш, педагогик кадрларни тайёрлаш дастурини такомиллаштириш, таълим ходимларининг малакасини ошириш тизимида уларнинг касбий махоратини ошириш).

***Шундай қилиб, ДТС кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни; таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражасини хамда таълим муассасалари***

*битирувчиларига нисбатан қўйиладиган малака талабларини; ўқув юкламасининг зарур ҳажмини; таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмини белгилайди.*

## III. ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ ВА УНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

ДТС ва унинг компонентларига қўйиладиган талаблар "Давлат таълим стандартини тасдиқлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш"да ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Давлат таълим стандарти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 5 – сонли Қарорида ўз аксини топган.

Стандартга қўйиладиган **асосий талаблар:**

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини таҳлил қилиш асосида келиб чиқадиган эҳтиёж, таълим жараёнининг барча манфаатдор томонларнинг имкониятларини ва халқаро тажрибаларни ҳисобга олиши;
- биринчи навбатда охирги натижага йўналтирилган бўлиши;
- таълим соҳалари, турлари, поғоналари ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ва узвийликни таъминлаши;
- мазмуни ва тузилиши нукта назаридан шахсни ривожлантиришга қаратилган бўлиши;
- таълимнинг максади нуқтаи назари билан тўликлилик ва тизимлиликни, уларнинг бутунлигини сақлашга имконият яратадиган стандарт мазмунини ёритишда ишончлилик даражасигача оптималлаштирилган бўлиши;
- тузилиши ва мазмуни жиҳатидан шахснинг кизиқиши ва имкониятлари, унинг лаёқати, шахсийлик устуворлигидан келиб чиқиб, ўз навбатида таълим муассасасининг ҳамда минтақанинг, давлатнинг имкониятларини ва истикболини ёритиши;
- мазмуни жиҳатидан ўқув юкламасини меъёрлаштириши;
- фойдаланувчиларнинг ҳар хил тоифаларига йўналтирилган бўлиши;
- технологик, инструментал текширувлар имкониятини яратишга йўналтирилган бўлиши;
- тажриба-синовларидан ўтган меъёрлар ўз аксини топган бўлиши керак.

Ҳар бир объект бўйича стандартни ишлаб чиқиш учун унинг ҳозирги ҳолати ва истиқболда ривожланишини ҳисобга олган ҳолда олдиндан материалларни йиғиш талаб этилади. Бу материалларни таълим стандартига келтириш учун таҳлил қилиниши ва улар асосида критериялари аниқланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги" Қонунида Давлатнинг бошқарув органи томонидан таълим олишнинг минимал даражаси нормалаштирилган. Ушбу нормадан ортиқ таълим мазмунини белгилаш таълим муассасалари компотенциясига киради.

Стандартнинг **давлат компоненти** Ўзбекистон Республикаси педагогик жамоасининг бирлигини таъминлайдиган меъёрларни ҳамда шахснинг халқаро интеграциясини белгилайди

Стандартнинг **минтақавий компоненти** жойлардаги олий таълим муассасаларининг компотенциясига мансуб бўлган тили ва адабиёти, тарихи, географияси, санъати, ишга тайёрлаш ва бошқалар тармокларида таълим турлари бўйича меъёрларни белгилайди.

Бундан ташқари стандарт томонидан **алохида таълим муассасасининг** йўналтирилганлиги ва хусусиятини ёритувчи таълим мазмуни **компоненти** меъёрлари ва хажми ўрнатилади.

Тасдиқланиш даражаси ва мазмунининг таъсир доираси билан боғлик бўлган таълим стандартлари тоифаларга ва турларга бўлинади.

**Стандартлаштириш турлари** – тезкор ва комплекс.

Таълимни ***тезкор*** стандартлаштиришда – келажакда таълим ривожини башоратлаш билан боғлиқ оптимал қоидалар, ҳаракатдаги меъёрларга нисбатан юқори даражада ўрнатилган объектни стадартлаштиришдаги талаблар тушунилади. Бу холатда асосий таълим жараёнини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида стандартларни дифференциаллашган муддатларда киритиш кўзда тутилиши мумкин.

Таълимни **комплекс стандартлаштиришда** - стандартларни ҳаракатга киритиш муддатлари билан боғлаш ва стандартлаштириш объектларига кирувчи, ўзаро боғлиқ компонентлар кўрсатгичлари билан мувофиқлаштирилган манфаатдор томонлар талабларини оптимал қондириш ва тўлик таъминлаш тушунилади.

Таълим хизматининг барча тизимларини қамраб оладиган ёки таълим хизматлари мажмуалари стандартнинг мужассамлиги таъминлайди.

***Стандартлаштиришни бошлашдан олдин қуйидагиларни аниқлаш талаб этилади:***

- таълим ривожининг мазкур боскичга зарурлиги;
- жамиятнинг талаби;
- ДТСни киритишга жамият ва таълим тизимининг тайёргарлик даражаси;
- таълим ривожининг прогнозидан келиб чиққан холда мазкур ДТСнинг ривожланиш истиқболлари.

Юқоридаги тахлиллар асосида жамият ва таълим тизимининг мазкур ДТСни киритиш ва унга амал қилишга тайёргарлиги тўғрисида хулоса чиқарилади ва стандартни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун асосий ҳужжат ҳисобланган "Стандартга техник топширик" ишлаб чиқилади.

## III.1. Давлат таълим стандарти малака тавсифномаси тавсифи

ДТСларни ишлаб чикиш ва жорий этишда меъёрий-хуқуқий ва илмий-услубий характердаги қатор муаммолар мавжуд.

Булар қаторига – **битирувчиларнинг малакавий тавсифномаси:** унинг мазмуни (жумладан, битирувчи кандай ҳажмда билим. малака ва кўникмага эга бўлиши лозим), ДТС тузилишидаги қўлланиши, ўрни ва вазифаси, ишлаб чиқиш жихатлари ва бошқалар.

Малака тавсифномасида маълум ижтимоий-касбий фаолиятидаги истикболли ривожланиш масалаларида эришилган сифат кўрсатгичи билан боғлиқ малака, касбий билимдонлик даражаси ҳақида ижтимоий шаклланганга мос узлуксиз таълим тизимидаги ихтиёрий таълим муассасаси битирувчисининг зарур бўлган асосий сифати ва кўрсатгичлари киритилган бўлиши керак.

Малакавий тавсифномага киритилган сифат ва кўрсатгичлар рўйхати минималлаштирилган бўлиши лозим. Битирувчига мос бўлган малакани беришга етарли бўлиши учун сифат ва кўрсатгичларнинг шунга ўхшаш минимал пакети - бу ***мутахассисни тайёрлашнинг охирги мақсади.*** Мутахассисни тайёрлашнинг мужассамлашган охирги мақсади қуйидагилар учун асос бўлиши керак:

- тайёрлаш мазмунини оптималлаштириш орқали ўқитишнинг оралиқ мақсадларини ишлаб чиқиш (касб-ҳунар таълими дастурлари) ва уни бошқариш усуллари;

- таълим олувчиларни тайёрлаш мақсади, критериялари ва унга эришиш воситаларини диагностика қилишни билиши ва ўқитиш мотивларини таъминлаши;

- ўкув фанларининг роли ва мақсадидан келиб чиқиб, машғулотларни ўтказишни ташкил этиш ва ҳар бир педагог-ўқитувчи учун услубига мос келадиган маълумотлар базасини шакллантириши;

- таълим муассасаси, кафедра ва педагог-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг объектив методикасини яратиши;

- малака ва йўналишга мос бўлган мутахассисларга бўлган истиқбол эҳтиёжни аниқлаш методикасини ишлаб чиқиши зарур.

Мутахассисларни тайёрлашнинг охирги комплекс мақсадининг кўп қисми диагностика қилинадиган бўлиши лозим. Таълим босқичи битирувчиларининг охирги мақсадига эришиш даражасини объектив баҳолаш имконияти тайёрлаш жараёнини бошқариш асосини ўрнатади. Бу эса ўз навбатида таълим жараёнининг самарадорлигини баҳолайди. Бундан ташқари бу таълим муассасасини аттестация ва аккредациядан ўтказиш методикаси асосига ҳам ётади.

Тайёргарликнинг охирги мақсади битирувчиларнинг на фақат бугунги кундаги касбий ва ижтимоий масалаларни ечишга қаратилган бўлмасдан мазкур фаолият соҳаси бўйича истиқбол муаммоларни ечишга ҳам қаратилган бўлиши лозим.

***Малакавий тавсифноманинг бош таркиб этувчиси,*** ўзида тайёргарликнинг барқарор мақсадига қаратилган, умумий ***касбий тавсифноманинг давлат компонентидир.*** Малакавий тавсифноманинг бу қисми меҳнат бозорининг мутахассисларга эҳтиёжи, ижтимоий буюртма асосида тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ДТС доирасида тасдиқланади.

Малакавий тавсифномадаги мутахассиснинг сифат кўрсатгичи - давлат компонентининг киритилганлиги – битирувчига малака даражаси берилиб, унга давлат намунасидаги диплом берилишининг мажбурий шартини белгилайди. Бу таълим муассасасининг мулкчилик шаклидан, идоравий бўйсунишидан қатъий назар кадрлар тайёрлаш шароитлари ва критериялари, мақсадига мос бўлган зарурий талабларни намоён этади.

Минтақа, таълим муассасаси, кадрлар буюртмачиларининг хусусиятларини ҳамда кадрларнинг асосий сифатларини ўзига қўшимча киритган ***малакавий тавсифноманинг муҳим ташкил этувчиларидан бири –***

***таълим муассасасининг даражасидир***. Кадрлар тайёрлашнинг бу мақсадлари, ўз навбатида меҳнат бозорининг эхтиёжларига мос тез ўзгаради, мослашувчан ва ҳаракатда бўлади. Малакавий тавсифноманинг мазкур таркиб этувчиси кадрлар буюртмачиси билан келишилган ҳолда Илмий кенгашнинг таклифи бўйича олий таълим муассасасининг ректори томонидан тасдикланади.

Малакавий тавсифномага мутахассис ўзининг касбий фаолиятини бажариш учун зарур бўлган кўрсатгичлар ва тавсифлар киритилиши лозим. Шундай қилиб, маълум йўналишдаги мутахассислардан фойдаланадиган ва асосли тайёрлашнинг бутун тизими малакавий тавсифномани яратишнинг марказий масаласи ҳисобланади. Бу албатта, ДТСнинг асосий компонентларидан бири ҳисобланиб, ўз навбатида таълим муасасаси ва ишлаб чиқариш (буюртмачи) ўртасидаги ўзига хос боғловчи бўғин малакавий тавсифномада ўз аксини топиши керак.

Малакавий тавсифномани ишлаб чиқиш кетма-кетлиги аниқ мутахассисликни ажратиб кўрсатиш учун асослаш билан бошлаш мақсадга мувофиқ. Мутахассисликлар рўйхатини таҳлил килиб, қуйидаги мутахассисликларнинг асосланишини киритиш мумкин:

- касбий фаолияти объекти бўйича ва тез-тез бу малакавий белгиларнинг ичида, унинг етарли даражадаги автоном кисмлари бўйича, ҳар замонда – объектнинг ривожланиш босқичлари бўйича;

- ҳар хил объектларга кирувчи инвариант алгоритм фаолиятлари, технологиялар ва методлар бўйича (М.: Амалий математика, Металларга ишлов бериш кимёвий технологияси ва ҳ.к.).

Бундай ёндашувда мутахассисликларнинг аксарият кисми у ёки бу асосга эга бўлади (М.: Металлургия саноатида иқтисодиёт ва бошқарув). Аникландики, ҳар хил мутахассисликлардаги касбий фаолиятнинг умумий максад ва вазифаларини топишга имкон яратадиган тизимли-фаолиятли ёндашув оркали мутахассисликлар рўйхатини объектив тартибга келтириш зарур бўлмокда.

## III.2. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторининг тавсифи

Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг объектив тизимлаштирилиши – бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамси томонидан тасдикланадиган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторидир. Йўналишлар ва мутахассисликлар Классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар мутахассис кадрларга бўлган Республикадаги ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларни хисобга олган холда киритилади хамда куйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва илова этилиши талаб этилади:

- йўналиш ёки мутахассисликнинг илмий ва амалий аҳамиятини ҳамда меҳнат бозорида мутахассисларга бўлган истикбол эҳтиёжини асослаш;
- йўналиш ёки мутахассисликнинг фарк қилувчи белгилари;
- янги йўналиш ва мутахассисликнинг ривожланиш истиқболлари;

- давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари лойиҳалари;
- янги йўналиш ёки мутахассисликнинг илмий-педагогик ва моддий-техник таъминоти мавжудлигини асослаш.

Классификаторга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар кадрлар истеъмолчилари ташаббуси билан олий таълим муассасалари томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли қарор қабул қилиш учун киритилади.

Шундай қилиб, малакавий тавсифномани ишлаб чиқиш ДТСнинг ажралмас қисми бўлиб, уни яратишга масъулият билан ёндашган ҳолда, қатъий илмий мавқеидан келиб чиққан ҳолда, нафақат бугунги кундаги мутахассиснинг ижтимоий-касбий фаолиятини ҳисобга олмасдан унинг истиқболдаги рақобатбардошлигини, шахснинг ижтимоий ва шахсий сифатлари ҳисобга олинган зарурий (Давлат талабларини) талабларни киритилган бўлиши керак. Малакавий тавсифнома мутахассиснинг ижтимоий-касбий фаолияти ва кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, таълим мазмуни орасидаги асосий боғловчи восита бўлиши лозим.

## III.3. Таълим босқичлари ва йўналишлари ўқув режаларининг тузилмаси

ДТС асосида таълим турлари бўйича: умумий ўрта таълим учун – базавий ўқув режалар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун намунавий ўқув режалар ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Масалан, умумий ўрта таълимнинг базавий ўқув режаси – бу умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг асосий таркибий қисми бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат меъёрий ҳужжати ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси - Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тизимида ягона таълим маконини сақлашдан иборат. Базавий ўқув режага республика, минтақа ва мактаб компонентлари киритилади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ давлат таълим стандартининг республика компонентига Республика Ҳукумати компетенциялари, минтақаий компонентларга - республика вилоятлари компетенциялари киритилади.

Республика компоненти таълим мазмунининг бир қисми бўлган умуммаданий ва умумдавлат аҳамиятидаги ўқув курсларини ўз ичига олади.

Ўқув режалар ДТСнинг бир қисми сифатида қуйидаги меъёрларни белгилайди:

- таълим босқичлари бўйича умумий ўқитиш давомийлигини;
- қуйидагилар учун ҳафталик ўқув юклама ҳажмини:

- ҳар бир таълим босқичлари (бошланғич ва умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар талими, бакалавриат, магистратура) учун;
- ўқувчилар танлови бўйича мажбурий машғулотларни;
- факультатив машғулотларни;

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitet
373377
Axborot Resurs Markazi

- мустакил таълим, маъруза, амалий машғулот. семинар, курс иши (лойиҳаси) ва танлов фанлари бўйича мажбурий машғулотларга ажиратилган соатларни ҳисобга олган ҳолда мажбурий ҳафталик юклама ҳажмини;
- Давлат томонидан молиялаштириладиган (максимал мажбурий ўқув юклама, факультатив, индивидуал ва синфдан ташқари машғулотлар, ўқув гуруҳларини кичик гуруҳларга бўлиш бўйича) ўқув соатларининг якуний миқдорини.

Ўқув режада республика, минтақа ва мактаб компонентларига ажратилиши уларнинг таркибида инвариант ва вариатив қисмларнинг барпо бўлишига имконият яратади.

Инвариант ва вариатив қисмлар ўзаро боғлиқ ва бир бири билан кесишади. Натижада ўқув режада ўқув машғулотлари қуйидаги учта турга ажралади:

- таълимнинг базавий ядросидан таркиб топган мажбурий машғулотлар;
- танлов фанлари бўйича мажбурий машғулотлар;
- факультатив машғулотлар.

Таълим босқичларининг бўлиниши билан боғлиқ бўлган барча босқичлар учун ўқув режа базавий ўқув режалардан таркиб топган бўлади: масалан. узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида тузилган бошланғич ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар талими, бакалавриат, магистратура ўқув режалари.

Намунавий ўқув режалар ва республика компоненти асосида тавсиявий характерга эга бўлган минтақаий ўқув режалар ишлаб чиқилади.

Минтақаий компонент ҳар хил гуруҳдаги аҳолининг таълимдаги қизиқиш ва асосий эҳтиёжларини қондиради ва ўзида миллий ва минтақавий жиҳатларини акс эттирган таълим мазмунининг бир қисмидир (тили ва адабиёти, тарихи ва минтақа географияси, урф одати, хусусияти ва бошқалар). Шундай қилиб, қатор таълим соҳалари ҳам республика ҳам минтақаий копонентга мансуб бўлиб қолмоқда (тарих ва ижтимоий-гуманитар фанлар, санъат, ер, биология жисмоний маданият, меҳнат тайёргарлиги).

Намунавий ўқув режа меъёрларини сақлаган ҳолда таълим муассасалари ўзларининг хусусияти, йўналишлари ва профессор-ўқитувчилар ва моддий-техник томондан таъминланганлик даражаларидан келиб чиқиб ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқади:

- маълум бир таълим муассасасининг хусусиятларини акс эттирадиган ва узоқ муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқиладиган умумий ўқув режа;
- таълим муассасасининг жорий ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилиб, ҳар йили таълим муассасасининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланадиган ишчи ўқув режа.

Амалдаги ўқув режаларни қуйидаги тўртта тур бўйича табақалаштириш мумкин: предметли, ядроси ажралиб туриши билан, таълим хизматларининг ажралиб туриши билан, субъектли тенглаштирилган.

Предметли ўқув режа Ўзбекситон Республикасида кенг тарқалган ҳисобланади. У таълим тизимида рўй бераётган тизимли билим беришга йўналтирилган ва “предметли марказлаштирилган” таълимга йўналтирилган.

Ўқув режасини тузиш - мураккаб ижодий иш ҳисобланади. Таълим муассасаси жамоаси тамонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ҳамда минтақавий ҳокимият органи, кадрлар истеъмолчилари билан келишилган ўқув режа таълим муасасасининг асосий ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Таълим муассасаси ўқув режасининг асосий бош вазифаси ДТСга мос ўқувчи томонидан минумим мажбурий таълимни кафолатлайди ва унга тўлиқ қобилиятини намоён қилишга ҳамда ривожлантиришга имконият яратади.

Таълим муассасаси ўқув режасини лойиҳалаш учун мос ҳуқуқий меъёрларни, таълим хизматларига ижтимоий буюртманинг ўзгаришини, педагогик жамоа, ўқувчилар қизиқиши ва хусусиятларини, ижтимоий буюртма ва уларнинг ўзаро солиштира олишни билиши, амалдаги иш режа бўйича ўтган йиллар ва жорий йилда муаммо билан боғлиқ бўлган таълим муассасасининг асосий вазифалари(миссияси)ни тушуниши ва билиши керак.

Таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ўқув режа намунавий ўқув режасининг стуруктурасини сақлаган ҳолда қуйидаги учта компонентни ўз ичига олган бўлиши керак: республика, минтақавий ва таълим муасасасаси компонентлари. Ўқув режада албатта юқорида қайд этилган ўқув машғулотларининг турлари ўз аксини топган бўлиши керак.

Таълим муасасасининг ишчи ўқув режаси асосан ўқув режанинг вариатив қисми (таълим муасасаси компоненти) бўйича барча компонентлар ва қисмлар билан мазмунан тўлдириш ҳисобига яратилади. Таълим босқичлари учун муайян ўқув режалар ҳар бир босқич учун дифференциал ёндошув асосида бир нечта потоклар ва синфлар(гуруҳлар) ва алоҳида синфлар (потоклар) ўқув режаларининг кесишуви натижасида ўзининг ечимини топади.

Ишчи ўқув режанинг барча таркибий компонентларини тўғри тўлдириш учун намунавий ўқув режанинг вазифасини, хусусиятини, унинг асосий характеристикасини, вариантларини, таълим муасасасининг амалдаги ўқув режаси турларининг хусусиятларини, таълим мазмунининг барча учта компонентлари ва иккита қисмлари (инвариант ва вариатив)ни, таълим муассасасида мажбурий таълим учун ажиратиладиган ўқув вақти ҳажмини ниманинг ҳисобидан ва қандай чегараларда ўзгартириш мумкинлигини тушунишни ва билишни талаб этилади.

Ҳар хил вариантларни таъминлаш учун ўқув режа етарли даражада мослашувчан ва кўпқиррали бўлиши лозим:

- асосий компонентлар билан тўлдирилган бўлиши;
- компонентларнинг кесишуви;
- таълим соҳалари ва/ёки фанлар номенклатураси;
- маълум фанлар ва цикллар бўйича юклама;
- ўқувчиларнинг имконияти ва ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ умумий юкламасининг даражаси.

Таълим муассасаси ўқув режасини яратишда битирувчиларни тайёрлаш даражасини ҳисобга олган ҳолда уни танлаш (тузиш) имкониятини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим муассасаси ўқув режаснинг муайян вариантини танлашда қатор ташқи ва ички факторларни аниқлайди.

Ташқи факторларга қуйидагилар киради: бошқарув органлари ва услубий хизматдан малакали ва консультатив ёрдам олиш имконияти, инновацион ўқув дастурларини жорий этилишини таъминлаш имконияти, ота-оналар қарашлари, уларнинг болалар таълимига муносабати, жойлардаги ва минтақавий бошқарув органларининг тутган ўрни, таълим муассасасининг реал автономлик даражаси.

Муайян ўқув режанинг ички факторларига қуйидагилар киради: ўқувчилар таркиби, педагогик жамоанинг салоҳияти, ўқитувчиларнинг малакавий даражаси, таълим муассасасининг танлаган йўналиши ва миссиясининг қабул қилиниши, таълим жараёнини бошқариш услуби, таълим жараёнининг моддий-техник таъминоти имкониятининг мавжудлиги.

Таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ишчи ўқув режа қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- тўлиқликка (таълим мазмунининг мажбурий базавий компонентининг сақланганлиги, минтақавий, ижтимоий-маданий ва бошқа талабларнинг ҳисобга олинганлиги);
- бутунликка (компонентларнинг етарлилиги ва зарурлиги, уларнинг ички ўзаро боғлиқлиги);
- мувозанатлаштирилганликка (республика, минтақавий компонентлар, фанлар цикллари, алоҳида фанлар, мажбурий фанлар ва танлов фанлари орасида оқилона мувозанатнинг сақланиши);
- таълим босқичлари ва синфлари (ўқув йиллари) орасидаги узвийликка;
- ўқув режанинг мослашувчанлиги, захиранинг мавжудлиги, ўқувчи-талабаларга ортиқча юкламага йўл қўйилмаганлигига;
- моддий-техник базанинг ўқув-услубий мажмуалар билан таъминланганлигига.

Таълим муассасаси ўқув режасини ишлаб чиқишда барча педагогик жамоанинг жалб этилганлиги туфайли у муҳим аҳамиятга эга.

## IV. ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

ДТСларнинг барча турларини ишлаб чиқишда ҳамда таълимни стандартлаштириш бўйича бажарилган ишларни таҳлил ва назорат қилишда ташкилий-услубий бир хилликка эришиш мақсадида таълим **стандартларини ишлаб чиқишнинг қуйидаги босқичлари ва тартибини** ўрнатиш лозим:

- 1 босқич – техник топшириқни тузиш ва стандартни ишлаб чиқишни ташкил этиш;
- 2 босқич – стандартнинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш унга тақриз олиш учун тарқатиш;
- 3 босқич – тақризлар асосида стандартнинг охирги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- 4 босқич – стандарт лойиҳасини тайёрлаш;
- 5 босқич – келишиш ва ўрнатилган тартибда тасдиққа тақдим этиш;
- 6 босқич – тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;
- 7 босқич – стандартни чоп этиш, тарқатиш ва амалиётга жорий этиш.

**Стандартни ўқув жараёнига киритишдан олдин амалдаги таълим мазмунини таҳлил қилиш назарда тутилади, жумладан:**

- ёш мутахассисларни тайёрлашга амалиётнинг талаби (истиқболдаги ва замонавий шароитлардаги жамият муносабатларинг ривожланишига мос ёшларни тайёрлаш сифати ва даражасига қўйилган ижтимоий буюртма);
- ижтимоий буюртмани аниқлаштиришга ва уни янги мазмундаги таълимга жорий этишга имконият яратувчи мутахассисларнинг тайёргарлик даражасига жамият томонидан қўйиладиган талаблари;
- амалдаги таълим мазмуни, унинг ҳажми, миқдорий тавсифномаси, уларни таҳлил қилиш таълим боқичлари бўйича таълим мазмунини кейинчалик узвийлаштириш тамойилларини амалга оширишга ёрдам бериши.

Таълим мазмунини стандартлаштириш масаласини кўришда унинг сифатини янгилаш бошланғич ҳолат ҳисобланади.

Таълимнинг янги мазмунидаги принципиал фарқи унинг турли даражадалиги ва вариативлиги, очиқлиги ва муқобиллигидир. Бу сифатлар узлуксиз таълим тизимини қайта қуришнинг асосий йўналиши бўлган дифференциаллаштирилган ўқитишни талаб этади.

Дифференциаллаштирилган ўқитишда ҳар бир таълим олувчи, таълимнинг бир нечта минимумларига, ҳаётий шароитларнинг доимий ўзгарувчан жараёнига киришиб кетиш учун кафолатланган имконият ва ҳуқуқларга эга бўлади. Дифференциаллаштириш жараёни ўқитиш тизимининг барча компонентларида ва таълимнинг барча боскичларида намоён бўлиши керак.

**Тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар бўйича стандартларни ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:**

- касб ва мутахассисликларга келажакдаги эҳтиёжларни аниқлаш учун жорий ҳолатлар ва прогнозлаштирилган таҳлилий тадқиқотларни ўтказиш;
- умумий характеристикаси мавжуд бўлган, шунинг билан бир вақтда минтақаларнинг кафолатланган хусусиятларини ҳисобга олиш;

- ДТСларни ишлаб чикиш ва жорий этиш бўйича масъулларни аниклаш (ДТСларни ишлаб чиқадиган ва жорий этадиган ишчи гуруҳни тузиш).

Таълим мазмунининг ДТСни аниклаш учун ўкув жараёнига жорий этиладиган асосий ҳужжат хисобланган ўқув режа, дастурлар ва дарсликларни стандартлаштиришдан ўтказиш талаб этилади.

***ДТСларни илмий асосда ишлаб чиқиш ва самарали жорий этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:***

- фан, таълим, технологиялар, техника ривожи даражаси бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- ДТС талабларини қондириш ва таъминлаш учун Республика таълим тизими имкониятини баҳолаш;

- узлуксиз таълимнинг барча боскичлари бўйича таълим олаётганларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

- таълимни стандартлаштиришнинг методологик, назарий ва ташкилий-услубий асослари билан 1 – 3 ишланмани параллел яратиш (максад, вазифа, функция, объектлар, компонентлар, баҳолаш процедураси, тақдим этиш механизми ва бошқалар), ДТСларни ишлаб чикишнинг мавжуд йўлларини такомиллаштириш, ДТС ҳақида Низомни яратиш ва бошқалар.

1 - 4 ишланмани ишлаб чиқиш асосида:

- битирувчилар ва таълим олувчилар малакаси ва билимига қўйиладиган талаблар (таълим боскичлари бўйича);

- илмий-методик ва дидактик таъминотга қўйиладиган талаблар;

- фан дастурлари ва таълим мазмунига қўйиладиган талаблар;

- таълим муассасаси фаолияти, тайёрлаш сифати, тайёргарлик даражасини баҳолаш механизми (процедураси) ва критериялари;

- ДТС талаблари бажарилмаган корхоналар ва шахсларга нисбатан кўриладиган чоралар;

- ДТСни кайта ишлаш ва қайта кўриб чиқиш, киритиш механизмларини (муддати, шароити ва бошқалар).

## V. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ АВЛОД ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаш учун илмий тадқиқотларда ва фан тармоқларида амалга оширилаётган ислоҳатларда рақобатбардош махсулотга ўтишни, хизматлар соҳасини кенгайтириш ҳамда кадрларни сифатли тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашда ахборот-коммуникация технологияларининг кенг миқиёсда жорий этилишини қатъий талаб этмоқда.

Уларни амалга ошириш – мураккаб ва кўп қиррали жараён.

Олий таълимнинг асосий вазифаси, илдам ишлаш учун мўлжалланган, шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжини қондирадиган ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг энг муҳим талабларига жавоб берадиган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли қарори билан Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари тасдиқлангандан кейин республика иқтисодиёти тармоқларидаги кескин ўзгаришлар олий таълим тизимида янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишни, амалдагиларини такомиллаштиришни талаб этди.

ДТСларни такомиллаштириш ва уларнинг янги авлодини ишлаб чиқишда қуйидагилар асос бўлди:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 341 - сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 4 мартдаги ""Мухандислик, ишлов бериш курилиш тармоклари" таълим соҳасининг таълим йўналишлари бўйича янги авлод ДТСларини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги 51 - сонли буйруғи:
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2005 йил 17 сентябрдаги "2004-2005 ўқув йили натижалари ва олий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг янги ўқув йилига тайёргарлиги, истикбол вазифалари тўғрисида"ги 9/1 – қарори;

ДТСларни модернизациялашнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 июндаги ПҚ-1123-сонли, 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли, 2012 йил 4 июндаги ПҚ-1771-сонли қарорларида белгиланган:

"..... республика иктисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган бакалавр ва магистрлар тайёрлашни кўзда тутиб такомиллаштириш ва модернизациялаш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини агрегациялаш ва унификациялаш бош йўналиш ҳисобланади;

- узлуксиз таълимнинг илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш жараёнларини мувофиқлаштириш, янги авлод ўқув адабиётлари билан республика олий таълим муассасаларини таъминлашни йўлга қўйиш".

Амаладаги ДТС қуйидаги учта қисмдан иборат:

– олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори;

– бакалавриат ва магистратура битирувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган малакавий талаблар (ДТС);

– ўқув режа ва дастурлар мазмуни ва тузилиши.

1998 йилда тажрибавий ДТСлар олий таълим тизимига киритилиб, 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Бугунги кунга келиб амалдаги ДТСларда қуйидаги камчиликлар аниқланди:

- Давлат (ва кадрлар буюртмачилари) томонидан белгиланган лавозимлар ва лавозим вазифаларининг ёритилмаганлиги;
- айрим ҳолатларда ДТСга киритилган фанлар, уларнинг кетма-кетлиги ва хажми малакавий талабларга мос келмаслиги;
- ДТСга киритилган фанлар блоки Давлат талабини тўлиқ қамрамаганлиги;
- ДТСда Давлат ва минтақавий компонентлар ҳамда талабалар танлови бўйича фанлар аниқ ёритилмаганлиги;
- соҳалар бўйича бакалавриат таълим йўналишлари фанлари блоки ва фанлараро турдошлик тамойилларининг жорий этилиши тўлиқ ёритилмаганлиги натижада академик эгилувчанлик таъминланмаган;
- катта ҳажмдаги фанлар боблари ва қисмлари ДТСларга алоҳида предмет тарзида (айниқса магистратура мутахассисликлари ДТСларида) киритилганлиги;
- назорат ишларини қабул қилиш ва топширишга кетган асосий вақтнинг, ҳар хил турдаги назоратлар, предметлар сонининг кўплиги:
- битирувчиларнинг амалий малакаларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган, ҳамда курс ишлари ва лойиҳалари, лаборатория машғулотларига, амалиётларга ажратилган вақтнинг асоссиз ажратилиши;
- бакалавриат ва магистратурада ўқув фанларининг мазмунан такрорланиш ҳолатлари;
- асосий кадрлар истеъмолчилари ва буюртмачиларининг талаблари тўлақонли хисобга олинмаганлиги, айниқса модернизациялаштирилган технологияларда таълим мазмуни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кучсиз йўналтирилганлиги, натижада битирувчилар назарий билимларнинг амалиётда қўллаш кўникмаларининг етарли даражада эмаслиги.

Миллий таълим тизими хусусиятларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси хусусиятларини, мамлакатимиз ва ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаларини хисобга олган ҳолда Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва модернизациялаш йўли билан такомиллаштириш ва ривожлантириш, таълим хизматларини кенгайтириш учун

қулай шароитлар яратиш таълим сифатини ошириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги эътиборга молик бўлиб қолди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази таянч олий таълим муасасалари, Фанлар академиясининг тармоқ ИТИлари ва кадрлар истеъмолчилари бўлган етакчи корхона ва тошкилотлар мутахассисларини жалб қилинган ҳолда билим соҳаларининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган ДТСлар ишлаб чиқилди ва таълим муасасалари ўқув жараёнига жорий этилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 24 июндаги 191-сонли, 2010 йил 18 октябрдаги 392-сонли, 2011 йил 16 сентиябрдаги 387-сонли, 2012 йил 30 августдаги 355-сонли буйруқлари билан тасдиқланган ва "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг Давлат таълим стандартлари асосида Республика олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрланмоқда. Мазкур ДТСлар асосида фанлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланиб таълим муасасалари ўқув жараёнига босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисилар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1533-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрланаётган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини мақбуллаштириш, бирлаштириш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг тармоқларига зарур бўлмаган йўналишлар ва мутахассисликларни қисқартириш эвазига янги таҳрирдаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ва вазирликнинг 2011 йил "18" июлдаги 302 – сонли, 2012 йил 4 июлдаги 281 - сонли буйруқлари билан тасдиқланиб амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 июлдаги "2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги ПҚ-1564-сонли, 2012 йил 7 майдаги "2012-2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги ПҚ-1715-сонли, 2012 йил 4 июндаги "Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-1771-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида янгиланган Классификатор асосида Республика олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган 167 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 451 та магистратура мутахассисликларининг ДТС ва ўқув режалари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343 – сонли қарорига ҳамда вазирлик томонидан тасдиқланган тамойилларга қатъий амал қилинган ҳолда халқаро стандартларга мувофиқлаштирилиб қайта ишлаб чиқилди ва вазирликнинг 2011 йил 16 сентябрдаги 387 – сонли, 2012 йил 30

августдаги 355 - сонли буйруқлари билан тасдиқланиб таълим муассасалари ўқув жараёнига босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ДТСларни такомиллаштиришда кадрларни илдам (опережающая подготовка) тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тегишли соҳаларга мувофиклик нуктаи назаридан имкон даражасида унификациялангaнлиги ҳамда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақланганлиги ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилинганлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига амал килинганлиги билан амалдаги ДТСлардан фарқ килади.

ДТСларни ишлаб чикишдаги бундай ёндашув:

• ўқув жараёнидаги узилишлар ва қайтаришларнинг бартараф этиш йўли билан ўқув вақтларидан самарали фойдаланишга;

• тизимли фаолиятда ва танқидий фикрлаш усулларини қўллашга;

• фанларни талабалар томонидан ўзлаштиришда касбий мотивациянинг таъминланишига имкониятлар яратди.

ДТСларни сифат томондан такомиллаштиришда қуйидагиларга асосланилди:

• мутахассис зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши ва уларни мустаҳкамлаш бўйича самарали билимга эга бўлиш учун мос предметлар бўйича замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан ва ўкитишнинг интерактив усулларидан фойдаланиш тавсия этилади;

• ракобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнининг ягона тизимини назарда тутган ҳолда таълим олувчиларни ўқитиш ва аттестациядан (жорий, оралиқ ва якуний) ўтказиш;

• билимни объектив баҳолашни ошириш ва унинг шаффофлигини таъминлаш учун баҳолаш меъзонларини ва уларнинг таксикоманиясини умумлаштириш тавсия этилади;

• ўқувчилар ижодиёти ва малакаларини ривожлантириш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида мустақил таълимнинг оқилона шакллари тавсия этилади.

Ҳар бир йўналиш ва мутахассисликларнинг ДТСларини ишлаб чиқиш учун уларнинг хозирги ва истикбол ҳолатларини характерлайдиган бошланғич материалларни тўпланди хамда таҳлилдан ўтказилди. Бу материалларнинг таҳлили асосида ДТСда ўз аксини топган критериялар аниқланди.

ДТСларни ишлаб чикишдан олдин қуйидагиларни аниклаш талаб этилади:

• олий таълимнинг тегишли босқичига мазкур ДТСга зарурият;

• жамият, кадрлар истеъмолчилари ва буюртмачиларининг ДТСга бўлган эҳтиёжи;

• мазкур ДТСни юритишга жамият ва олий таълим тизимининг тайёргарлик ҳолати;

• таълимни ривожлантириш прогнози ҳисобига мазкур ДТСни ривожлантириш истикболлари.

Ушбу таҳлил асосида мазкур ДТСни юритиш ва талабларини сақлашга жамият ва олий таълим тизимининг тайёргарлиги ҳақида хулоса қабул қилинди ва кейинчалик ДТСни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун асосий ҳужжат ҳисобланган "Стандартга техник буюртма" ишлаб чиқилади.

ДТСни ишлаб чиқишда ташкилий-услубий якдилликга эришиш мақсадида, ҳамда олий таълимни стандартлаштириш бўйича бажарилган ишларни таҳлил ва назорат қилиш бўйича олий таълим вазирлиги томонидан ДТСларни ишлаб чиқишнинг қуйидаги тартиб ва босқичлари ўрнатилган:

- 1 босқич – Техник буюртмани тузиш ва ДТСни ишлаб чиқишни ташкил этиш (Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини рибожлантириш маркази ва таянч ОТМларида ижодий ишчи гуруҳлар ташкил этиш);

- 2 босқич – ДТС лойиҳаларини тайёрлаш (биринчи таҳрири) ва уларга тақризлар олиш учун Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларига, турдош ОТМларига, кадрлар буюртмачилари ва истеъмолчиларига тарқатиш;

- 3 босқич - тақризларда билдирилган таклифлар асосида ДТСларнинг охирги таҳрирдаги нусхаларини тайёрлаш;

- 4 босқич - тайёрланган ДТСларини турдош ОТМлари ҳамда асосий кадрлар буюртмачилари ва истеъмолчилари билан келишиш, баённомалар далолатномалар билан расмийлаштириб, ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун вазирлик ҳузуридаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг услубий бирлашмаларига тақдим этиш;

- 5 босқич - услубий бирлашмалар баённомалари асосида ДТСларини Мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқиш, уларни вазирлик буйруги билан тасдиқлаш ва "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтказиш;

- 6 босқич - ДТСларни чоп этиш ва амалиётга жорий этиш.

Тасдиқланганган янги авлод ДТСлари таълим жараёнига қуйидаги янги тамойилларнинг жорий этилишига имконият яратди:

1) фанлар ҳажми бўйича 50 тадан ортиқ бўлмаган фанларни таркибига киритган интеграллашган (блокли-йўналтирилган) курслар кўринишидаги ихчам таълим дастурларини яратиш;

2) битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ва малакавий амалиётлар талабларида, интеграллашган (блокли-йўналтирилган) курсларда назарда тутилган малака талабларини таъминлаш учун амалий машғулотларни кенгайтириш;

3) ҳафталик аудитория машғулотлари юкламасини 30-32 соат ҳажмда ўқув жараёнини режалаштириш;

4) ягона таълим бериш жараёнига эришиш, талабалар ва ўқитувчи-педагогларнинг ижодий фаоллигини ошириш, ҳамда уларнинг натижаларини мунтазам назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш;

5) таълим дастурларининг услубий ўзаро алоқаси ҳисобга олинган ҳолда ўқув жараёнининг интеграллаштирилган схемасини ишлаб чиқиш;

6) интеграллашган (блокли-йўналтирилган) курслар ичида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;

7) магистрлик диссертациялари битирув малакавий ишлари, курс лойиҳалари (ишлари), лойиҳавий-ҳисоб график ишларини бажаришда, ўқув фанларини ўрганишда оқилона мантиқий ва услубий кетма-кетликни ўрнатиш;

8) талабаларнинг мустақил таълимини оқилона ташкил этиш;

9) таклиф этилган критериялар асосида талабалар билими, малака ва кўникмаларини объектив баҳолаш;

10) фанларни ўрганишда талабаларнинг касбий мотивациясини таъминлаш.

ДТСни ишлаб чиқиш тамойиллари ва уларга қўйилган талаблар бир неча бор билим соҳалари бўйича ОТМлари, Ўзбекистон Рсепубликаси Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИлари, ишлаб чиқариш ва кенг жамоатчилик мутахассислари иштирокида ўтказилган семинарларда муҳокамадан ўтказилди ва “Маърифат” ҳамда «Учитель Узбекистана» газетасида чоп этилди.

Дастлабки натижалар вазирлик ҳузуридаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Мувофиклаштирувчи кенгашнинг ўқув-услубий бирлашмаларида муҳокамадан ўтказилди ва мақулланди.

ДТСлар лойиҳаларига Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларидан тақризлар ва асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган етакчи корхона ва тошкилотларлардан эксперт хулосалари олинди ҳамда тудош олий таълим муасасалари билан келишув баённомалари шакллантирилди.

ДТС лойиҳалари ўрнатилган тартибда тасдиқланиши ва муҳокамадан ўтказиш учун тайёрланди.

Таълим мазмунини (давлат таълим стандартини) ўзгартириш йўналиши компатентликнинг педагогик концепциясини аниқлашда пайдо бўлиши мумкин. Доимий ўзгарувчан жамиятда самарали фойдаланиш учун фукаролардан талаб этиладиган билимлилик даражаси сифатида у умумий кўринишда аниқланади.

Давлат таълим стандартларининг таълим муассасаси босқичида объектив, ишончли инструмент (усул, критерия, кўрсатгичлар) билан жорий этилишининг **тизимлилигини ва мақсадли мониторингини** таъминлаш учун қуйидаги намунавий схемадан фойдаланилади.

**Мониторингнинг намунавий схемаси**

| Кутилаётган натижа | Жроий этилиш натижаси |
|---|---|
| Давлат таълим стандартининг меъёрлари ва талаблари | Таклиф этилаётган ўқув дастурлари |
| Таълим дастурлари, ўқув дастурлари мазмуни | Бажарилаётган ўқув дастурлари |
| Тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар, компотнетлик калитлари | Бажарилган ўқув дастурлари, таълим олаётганлар томонидан ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар |

## VI. ЯНГИ АВЛОД ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИНГ НАМУНАСИ

**Ў З Б Е К И С Т О Н   Д А В Л А Т   С Т А Н Д А Р Т И**

**(Намуна)**

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг**
**Давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти**

***5151600 - Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган**

**ТАЛАБЛАР**

**Расмий нашр**

**Г О С У Д А Р С Т В Е Н Н Ы Й   С Т А Н Д А Р Т   У З Б Е К И С Т А Н А**

**Государственные образовательные стандарты**
**непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования**

**ТРЕБОВАНИЯ**

**к необходимому содержанию и уровню подготовленности бакалавра по направлению *5151600 – Народное творчество (режиссёр массовых праздников)***

**Издание официальное**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг**
**Давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти**

***5151600-Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган**

**ТАЛАБЛАР**

**Расмий нашр**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

# СЎЗ БОШИ

1 ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти.

2 ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил «30» августдаги 355-сонли буйруғи.

Ушбу стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини яратиш тузилмаси қуйидагича:

мундарижа;

қўлланилиш сохаси;

атамалар, таърифлар, қисқартмалар;

таълим йўналишининг тавсифи;

бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар;

таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари;

бакалавриатнинг асосий таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар;

бакалавриатнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар;

таълим дастурларининг тадбиқ этилиши;

малакавий амалиётларни ташкил этиш талаблари;

ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар;

таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари;

ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар;

бакалавр тайёрлаш сифатини баҳолаш;

эслатма;

давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати;

илова;

библиографик маълумотлар.

## Ў З Б Е К И С Т О Н   Д А В Л А Т   С Т А Н Д А Р Т И

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг**
**Давлат таълим стандартлари**
**Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти**
***5151600-Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган**
**ТАЛАБЛАР**

**Государственные образовательные стандарты**
**непрерывного образования Узбекистана**
**Государственный образовательный стандарт высшего образования**
**ТРЕБОВАНИЯ**
**к необходимому содержанию и уровню подготовленности бакалавра по направлению *5151600 – Народное творчество (Режиссёр массовых праздников)***
**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan**
**State Educational Standards of Higher Education**
**REQUIREMENTS**
**Necessary for content and level of Bachelors in *5151600 - People`s song (director of mass holidays)***

---

**Амал килиш муддати «____» __________201_йилдан**
**«____» __________201_йилгача**

## I. Қўлланиш соҳаси

**1.1** Олий таълимнинг мазкур давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) *5151600 - Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.2** Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.3** ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, маданият ва санъат соҳаси ютукларини хисобга олган ҳолда асосий таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўкитувчи жамоалари;

- таълим йўналишининг асосий таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими ва деканат);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

## 2 Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг методлари, усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – маълум соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти;

**модул** – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари) қисмларининг мажмуаси;

**таълим йўналиши** – муайян касбий фаолият доирасидаги турли даражадаги таълим дастурларининг мажмуи;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, воқеликлар, халқ бадиий ижодиёти жараёнлари ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, маданият, санъат, халқ бадиий ижодиётида намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**бакалавриатнинг асосий таълим дастурлари (бакалавриат дастури)** – талабаларнинг тарбияси ва тайёргарлик даражаси сифатини таъминлашга йўналтирилган ўқув режаси, ўқув курслари, предметлари, фанларининг дастурлари, малакавий амалиётлар дастурлари, ўқув жараёни жадвали ва мос равишдаги таълим технологияларини амалга оширилишини таъминловчи ўқув-услубий мажмуалари, методик материаллар;

**профиль** – асосий таълим дастурининг аниқ касбий фаолиятнинг муайян тури ёки объектига йўналганлиги;

**ўқув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

**Ўкув цикли** – мос илмий ёки касбий фаолият доирасидаги билимлар ва амалий малакаларни ўзлаштириш ва кўникмаларни шакллантиришни таъминловчи асосий таълим дастурларидаги фанларнинг мажмуи.

**АРМ** - ахборот ресурс маркази;

**ИТИ** - илмий тадкикот ишлари;

**ОТМ** - олий таълим муассасаси;

**ЎУМ** - ўкув-услубий мажмуа.

## 3 Таълим йўналишининг тавсифи

**3.1** Ушбу таълим йўналишини камраб олувчи олий таълимнинг асосий таълим дастурлари амалга оширилади, уни назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади

**3.2** Асосий таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Асосий таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси**

| Таълим дастурининг номи | Малака (даража) | Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриат таълим дастури | Бакалавр | 4 йил |

## 4 *5151600-Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

### 4.1 Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси

*5151600 - Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)*-маданият. санъат, таълим ва ижтимоий соҳадаги йўналиш бўлиб, у ўкув фанлари. воситалари, услублари ва педагогик фаолиятнинг усулларини ҳамда маданий-маърифий ишларини бажариш учун мўлжалланган меъёрий ҳужжатлар, дидактик воситалар таълимнинг самарали жараёнларини таъминлашга йўналтирилган методлар ва воситалар мажмуини қамраб олади.

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни қамраб олади:**

- *Оммавий байрамларни ташкил қилиш;*
- *Оммавий байрамлар сценарийсини тайёрлаш;*
- *Оммавий байрамларни саҳналаштириш;*
- *Оммавий байрамларнинг бадиий ифодавий безаги устида ишлаш;*
- *Оммавий байрамларнинг мусиқаси устида ишлаш;*
- *Театрлаштирилган ва оммавий саҳналар устида ишлаш;*
- *Дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси;*
- *Касбий таълим дидактикаси;*

- *Касбий таълим педагогикаси ва ташхис технологияси;*
- *Ўқитишнинг дидактик воситалари;*
- *Таълимнинг электрон воситалари;*
- *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимидаги ўрни ва роли.*

## 4.2 Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари

*5151600 - Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бакалаврларининг **касбий фаолияти объектлари** - таълим жараёнига мос касб-ҳунар коллежлари, профессоинал ва хаваскорлик халқ театрлари, телеведения ва радио, овз ёзиш студиялари, болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги ўқув-тарбия жараёни, маданият, санъат, халқ бадиий ижодиёти ва ижтимоий соҳадаги муассасаларнинг иш фаолияти жараёнлари.

## 4.3 Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари:**

- *Илмий тадқиқот;*
- *Маданий-маърифий муассасаларни бошқариш;*
- *Бадиий жамоалар бошқаруви;*
- *Ижодий тўгаракларни ташкил этиш ва бошқариш;*
- *Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш;*
- *ЎМКҲТ ва бошланғич мусиқий таълим тизимида педагогик;*
- *Ташкилий-бошқарув;*
- *Ижтимоий ва жамоа соҳасидаги фаолияти кабиларни ўз ичига олади.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим тизими томонидан аниқланади.

## 4.4 Бакалаврлар касбий фаолиятининг вазифалари

*5151600 - Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва ихтисосликнинг тайёргарлигига мос қуйидаги касбий вазифалар белгиланади:

**Илмий ва илмий-тадқиқот фаолияти:**

– ўтказилаётган илмий-амалий лойиҳалари мавзуси бўйича дастурий ечимлар, ижрочилик воситаларни тадқиқот қилиш ва ишлаб чиқиш;

– ижодий ишлар бўйича амалий тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;

– илмий-ижодий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

– ўтказилаётган тадқикотлар мавзуси бўйича рефератлар тайёрлаш ва библиографияларни тузиш;

– илмий семинарлар, илмий-ижодий конференциялар ишида иштирок этиш;

– илмий-амалий мавзувий журналларга маколаларни тайёрлаш.

**ЎМКҲТ тизими, бошланғич мусиқий таълим тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик фаолият:**

– ЎМКҲТ ва бошланғич мусиқий таълим тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;

– ЎМКҲТ ва бошланғич мусиқий таълим тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва якка тартибдаги машғулотларни ўтказиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш ва тузиш;

– ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг ижодий ва амалий дастурларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

**Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш:**

– оммавий байрамлар режиссураси жанрларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатиш режаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш.

**Ташкилий-бошқарув фаолияти:**

– театр режиссёри, халқ ижодиёти марказлари, бадиий раҳбар, мусиқа раҳбари, тўгарак раҳбари ва бошқалар;

– оммавий байрамлар режиссураси жанрларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатишни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

– оммавий байрамлар режиссураси жанрларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатишни режалаштириш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ижодий жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

## 4.5 Таълимни давом эттириш имкониятлари

Бакалавр касбий тайёргарликдан кейин турдош таълим йўналишларининг магистратура мутахассисликлари бўйича таълимнинг ваколатли давлат органи томонидан аниқланадиган ўқишни давом эттириши мумкин. Педагогик фаолият билан шуғулланганда белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб туриши лозим.

## 5 Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

**5.1** *5151600 - Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича битирувчи қуйидаги **умумий малакавий компетенцияларни** эгаллаган бўлиши керак:

**а) умумий малакавий компетенциялар:**

- интеллектуал, маданий, маънавий, жисмоний ва касбий ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш кобилиятига эга бўлиши ва бу кобилиятни амалда қўллай билиши;
- номоддий маданий мерос ва маданий анъаналарга хурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиши, ижтимоий ва маданий фаркларни толерантлик билан кабул қилиши;
- тарихий жараённи юритувчи кучларни ва унинг конуниятларини тушуниши;
- тарихий жараёнда, жамиятнинг сиёсий тузилмасида инсоннинг ўрнини тушуниши:
- ўзининг шахсий дунёқараши орқали ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил килиши;
- ўз фаолиятида меъёрий хукукий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- ахлокий ва хуқукий меъёрлар ва мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда максадга эришишда қатъият кўрсатиши;
- фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, огзаки ва ёзма нуткини аргументланган ҳолда аниқ баён килиш кобилиятига эга бўлиши;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартириши;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги шароитларини умумий баҳолашга қобил бўлиши, ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини бўлиши мумкин бўлган авариялар, ҳалокатлар, табиий офатлардан ҳимоя килиш асосларини билиши ва замонавий воситаларни кўллаши, улар оқибатларини бартараф қилишнинг асосий тадбирларини қўллай билиши;
- касбий фаолиятда табиий-илмий фанларнинг асосий конунларидан фойдаланиш, математик таҳлил ва моделлаш, назарий ва экспериментал тадкикот методларини кўллаш қобилиятига эга бўлиши;
- бугунги замонавий ахборот технологиялари даврида жамиятнинг ривожланишидаги ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниши, бу жараёнда вужудга келадиган хавф ва таҳдидларни англаш, информацион хавфсизликнинг асосий талабларига, жумладан давлат сирини ҳимоя қилиш талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, кайта ишлашнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошкариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- глобал компьютер тармокларида маълумотлар билан ишлаш қобилиятига эга бўлиши;
- сўзлашувдан кам бўлмаган даражада битта хорижий тилни эгаллаган бўлиши;

- ҳаётда учраши мумкин бўлган авария, ҳалокат, табиий офатлар оқибатларидан ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини ҳимоя қилишнинг асосий методларига эга бўлиши;

- мустақил равишда жисмоний тарбия ва соғликни мустаҳкамлашдан методик тўғри фойдаланиш воситаларини эгаллаган бўлиши, тўлақонли ижтимоий ва касбий фаолиятни таъминлаш учун жисмоний тайёргарликнинг керакли даражасини эгаллашга тайёр бўлиши керак.

***б) касбий компетенциялар, жумладан:***

**Умумкасбий компетенциялар:**

- касбий фаолиятда оммавий байрамлар режиссураси жанрларини ташкил этиш ҳамда оммага хизмат кўрсатиш;

- оммавий байрамлар режиссураси жанрларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатишдаги муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш қобилиятига эга бўлиши;

- замонавий техник воситаларидан фойдаланиш;

- бажарилаётган тадкиқотлар мавзуси бўйича фаолиятнинг ижодий ва амалий масалаларини фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш;

- инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш, меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ижодий чиқиш жараёнларида меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

**Илмий-тадкикот фаолиятида:**

- берилган дастурлари бўйича ижодий ва амалий материалларни тадқиқ қилиш;

- тўпланган материалларни таҳлил қилиш, синтез қилиш ва оптималлаштириш методларини қўллаш;

- ижодий ва амалий тадқиқотлар режаларини ишлаб чиқиш;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, амалий кўникмаларни ҳосил қилиши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;

- интернет тармоғида энг янги илмий, ижодий, ижрочилик ютуқлари ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий-тадқиқот ва ижодий жамоа таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

**Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш:**

– оммавий байрамлар режиссураси жанрларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

– оммавий байрамлар режиссураси жанрларини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатиш режаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

– ижодий фаолиятни бошқариш жараёнларини тадбиқ қилиш;

– ижодий жараёнларни амалга ошириш учун зарур ижро воситалари ва ресурсларини режалаштириш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ижодий жараёнларини назорат қилиш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

– ташкилий жараёнларнинг атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

**ЎМКҲТ ва бошланғич мусиқий таълим тизимида педагогик фаолиятда:**

– ЎМКҲТ ва бошланғич мусиқий таълим тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;

– ЎМКҲТ ва бошланғич мусиқий таълим тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва якка машғулотларини ўтказиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

– ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятларига эга бўлиши керак.

–

**5.2 Таълим дастурлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар**

**5.2.1 Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар**

*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар* қисми бўйича талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган ««*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

**5.2.2 Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар**

***Ахборот технологиялари курси***

**Бакалавр:**

- компьютер графикаси ҳақида умумий тушунчалар, уларнинг фунционал, тузилмавий ва технологик ўзига хосликлари;
- растр ва вектор тасвирларни яратиш ва таҳрирлаш бўйича базавий тушунчалар;
- график тасвирлаш ишларидан таълим жараёнидан самарали фойдаланиш йўллари;
- ахборот, уни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш усуллари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- растр ва вектор графикаси ҳақида асосий тушунчалар, уларнинг параметрларини;
- компьютер ёрдамида тасвирларни яратиш, қайта ишлаш ва сақлаш принципларини;
- график редакторлар асосий воситаларининг ишлаш принциплари ва вазифаларини;
- турли даражадаги дастурлаш тилларини, маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологиясини;
- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- растр (Paint, Adobe Photoshop), вектор (Adobe Illustrator, Coral Draw) график редакторлари ёрдамида тасвирли маълумотларни яратиш;
- растр ва вектор тасвирли редакторлари воситасида мукаддам тайёрланган файлларни қайта ишлаш ва монтаж қилиш;
- тасвирли файллардан таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш;
- дастурлаш ва ҳисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

***Табиий-илмий курс***
**Бакалавр:**

- борлиқ бир бутун физикавий объект ҳакидалиги ва унинг эволюцияси;
- табиий илмларнинг фундаментал бирлиги, табиатшуносликнинг тугалланмаганлиги ва унинг янада ривожланиши мумкинлиги;
- табиатда дискретлик ва узлуксизлик;
- табиатда тартиб ва тартибсизликнинг нисбати, объектлар тузилмасининг тартибга солинганлиги, тартибсиз ҳолатга ўтиш ва унинг акси;
- эҳтимоллик – табиий тизимларнинг объектив тавсифи эканлиги;
- билишда эмпириклик ва назарийлик нисбати;
- табиатдаги ҳолатлар ва уларнинг вақт ўтиши билан ўзгариши;
- материяни ташкил қилишнинг биологик шакллари хусусиятлари, жонли тизимларни қайта тиклаш ва уларнинг ривожланиш тамойиллари;
- биосфера ва унинг эволюцион йўналиши;
- жонли тизимларнинг бир бутунлиги ва гомеостази;

- организм ва муҳит, организмлар уюшмаси ва экотизимларнинг ўзаро таъсири;
- биомуҳит ва инсон табиати биоижтимоийлигининг бир бутунлиги нуқтаи назаридан ўз касбий фаолиятининг оқибатлари;
- меҳнат физиологияси ва ҳаёт фаолиятининг қулай шароитлари асоси;
- антропоген омилларнинг манбалари;
- ўқув биноларнинг хавфсизлиги ва экология талабларига жавоб бериши;
- фавқулодда ҳолатлар шароитида хавфсизлик ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- табиий билимларнинг фундаментал константаларини;
- табиатни ҳимоя қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг экологик принципларини, табиатга зарар етказмайдиган методларни яратишни; меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, санитария ва ёнғин хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси конунчилиги асосларини;
- меҳнат психофизиологияси асосларини, инсон организмининг анатомик ва антропометрик кўрсаткичларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- табиий фанларнинг турли бўлимларига характерли бўлган қийматларнинг сонли тартибини ўлчаш ва баҳолаш;
- меҳнат жараёнида инсон саломатлигини ва ишчанлик қобилиятини сақлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш;
- меҳнат фаолиятида меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**5.2.3 Умумкасбий фанлар бўйича талаблар**

***Тарихий - назарий фанлар курси***

**Бакалавр:**

- маданиятнинг инсоният ва жамиятдаги роли ва ривожланиш босқичлари;
- Ўзбекистон тарихида маданий ривожланишнинг акс эттирилиши;
- миллат маданий савияси ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни;
- санъат соҳасидаги мутахассис шахсининг дунёқарашини шакллантиришда адабиётнинг ўрни ва вазифаси;
- жаҳон адабиётининг антик, ўрта асрлар ва уйғониш даври, классицизм, марифатпарварлик даври адабиётлари ривожининг асосий босқичлари;
- сентиментализм, романтизм, реализм ва модернизм;
- ҳозирги босқичда жаҳон адабиётида оқимлар ва услубларнинг ранг-баранглиги;
- турлар ва жанрлар, кўчма сюжетлар, шеърият тизими;
- Шарқ мамлакатлари адабиёти тараққиётининг асосий даврлари;
- Марказий Осиё халқлари эпослари;
- Шарқ адабиётига араб маданияти таъсири;

- МДҲ мамлакатлари адабиёти;
- ўзбек классик адабиёти тараққиётининг асосий босқичлари;
- қадимий туркий ёзув ёдгорликлари, сарой поэзияси, дидактик адабиёт, суфизм ва суфийлар шеърияти;
- классик адабиётнинг фольклор билан алоқаси;
- классик адабиёт асарларининг умуминсоний қадриятлари, тарихийлиги, гуманизми ва халқпарварлиги;
- XX аср бошида модернизмни вужудга келиши;
- Жадидлар ҳаракати, янги ўзбек адабиётининг вужудга келиш омиллари;
- маърифатпарварлар Муқимий, Фурқат, Беҳбудий, Авлоний, Сўфизода;
- ўзбек романчилигини вужудга келиши – А.Қодирий;
- Фитрат, Ҳамза, Чўлпон ва бошқалар шеърияти;
- маданий-маърифий муассасалар тизими ва унинг бошқаруви;
- маданият муассасаларининг турлари, функциялари вазифалари;
- маданий-маърифий муассасаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни;
- маданий-маърифий муассасалардаги ташкилий, бошқарув ва молиявий ишлар;
- номоддий маданий мерос муҳофазаси борасида дунёда ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар;
- номоддий маданий мероснинг миллат ва жамият ҳаётидаги ўрни;
- номоддий маданий меросни сақлаш борасидаги давлат сиёсати;
- халқ ривоятлари, қўшиқлари эртаклари, топишмоқлари ва фольклорининг маънавий-эстетик роли ўзбек фольклорининг жанрлари;
- халқ анъана ва урф-одатларининг халқ ҳаётидаги ўрни;
- тасвирий санъат, либос, мусиқа тарихи ва назариясиниг ривожланиш боскичлари;
- Қадимги дунё, Ўрта асрлар Ғарб ва Шарқ, Уйғониш даври ва кейинги даврлар, Ўзбекистон санъатини шаклланиш, ривожланиш босқичлари;
- тасвирий санъатнинг барча турларининг жанр ва услублари, оқимлари ва йўналишларининг шаклланиши, ривожи;
- кино санъати қонуниятлари;
- жаҳон кинамотография мактаблари, кинамотографияда жаҳон актёрлари мактабларининг ривожланиш тамойиллари;
- Ғарбий Европа ва рус драматургияси миллий театр ривожидаги асосий боскичлар, оқимлар, йўналишлар;
- театр санъати жанрлари ва мактаблари;
- режиссёр мутахассислигининг пайдо бўлиши ва ривожи;
- жаҳон саҳна санъатининг ривожланиш тамойиллари;
- ўзбек анъанавий театрининг эстетик хусусиятлари;
- ўзбек анъанавий қўғирчоқ театрининг эстетик хусусиятлари;
- ўзбек саҳна санъати шакллари, жанрлари ва турларининг хилма хиллиги;

- ўзбек драматик ва қўғирчоқ актёрлиги санъатининг ифодавий воситалари;
- ўзбек миллий профессионал режиссёрлик мактабининг шаклланиши;
- замонавий ўзбек драма, мусиқали драма ва қўғирчоқ театрининг долзарб муаммолари;
- жамиятнинг маънавий ҳаётида мусиқанинг ўрни;
- жаҳон мусиқасининг тарихи, оқимлари, йўналишлари, жанрлари ва услублари;
- замонавий эстрада ва жаз мусиқаси ривожи;
- ўзбек халқ мусиқа санъатининг жанрлар бойлиги ва йўналишлари;
- мақомлар ва уларнинг таркибий хусусиятлари;
- ўзбек мусиқасининг ривожланиш йўллари;
- бастакорлар ижодининг эстетик хусусиятлари;
- ўзбек мусиқа театрининг эстетик хусусиятлари;
- мусиқали театр шаклланиши ва ривожи
- ўзбек опера, балет ва опереттаси;
- замонавий эстарада мусиқаси ривожи;
- ўзбек халқ чолгу асбобларининг тузилиши ва оханг хусусиятлари;
- таникли ўзбек композиторларининг ижоди;
- ўзбек мусикали драмаси асосчилари (М.Уйғур, Хуршид, Ғ.Зафарий, Ш.Шоумаров);
- замонавий жамиятда театр санъатининг ўрни;
- жаҳон актёрлик санъатининг энг янги ютуқлари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- маданиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини;
- жаҳон халқлари маданияти ичида миллий маданиятимизга якин маданиятларни;
- жаҳон маданияти тарихи ва ривожланиш боскичларини;
- бадиий адабиётнинг намуналари, адабиёт назарияси ҳақидаги асосий тушунчалар, Ўрта Осиё ва жаҳон мифологияси ва фольклори ҳақидаги тушунча, ўзбек ва жаҳон классик адабиётининг шаклланиш жараёнини,
- ўзбек ва жаҳон адабиёти, ўзбек ва жаҳон адабиёти билан боглик бўлган музей фондлари, адабиёт уйлари, фильмлар ва театр асарларини, бадиий ва илмий матнни таҳлил килиш ва баҳолашни;
- жаҳон адабиёти етакчи вакиллари ижоди;
- ҳамдўстлик мамлакатлари адабиётининг буюк вакиллари ижоди: Шота Руставели. Т.Шевченко, Абай, Р.Хамзатов, Ф.Искандар, Ч.Айтматов;
- рус адабиёти тараққиёти босқичлари: классицизм, сентиментализм, романтизм, реализм, А.С.Пушкин, М.Ю.Лерментов, Н.В.Гогол ва Л.Н,Толстой, А.П.Чехов ва бошкалар;
- XX аср рус адабиёти, унинг жахон маданиятидаги ўрни;
- ўзбек классик адабиёти жанрлари ва адабий услубларнинг шаклланиши ва тараққиёти;

- мухаммас, мусаддас, ғазал, қитъа, рубоий каби аруз вазнлари ва шеърий сиғимлар;
- Юсуф Хос Хожиб, А.Яссавий, Лутфий, А.Навоий, З.Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий ва бошқалар ҳаёти ва ижоди;
- классик адабиётда миллий образларининг акс этиши;
- ўзбек драматургиясининг вужудга келиши, ривожланишининг боскичлари;
- 30-50-йиллар ўзбек адабиётида "вулгар" социологизм;
- 60-80-йиллар ўзбек адабиёти. унинг новаторлик хусусияти - А.Орипов, Э.Воҳидов;
- Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги туфайли вужудга келган маънавий эркинлик, адабиёт олдида очилган ёрқин уфқлар, миллий маънавий қадриятларни тиклаш;
- Замонавий ўзбек адабиётида услублар ва методларнинг бойлиги;
- маданият ва санъат муассасаларининг бошқарув тизимини;
- бошкарувнинг услублари ва турларини;
- маданият ва санъат муассасалари фаолиятини режалаштиришни;
- маданият ва санъат муассасаларидаги молиявий фаолиятни ташкил этишни;
- номоддий маданий мероснинг турларини;
- номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш ва сақлаш йўлларини;
- номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасида дунё миқёсида амалга оширилаётган ишларни;
- номоддий маданий мерос бўйича фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва институтларни;
- номоддий маданий мерос муҳофазаси борасида қабул қилинган қонун ва дастурларни;
- ўзининг касбий фаолиятида халқ ижодиёти ва фольклори намуналарини қўллай билиши;
- халқ ижодиёти ва анъаналарини ёзиб олиш амалиётига эга бўлиши;
- маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда, халқ ижодиёти ва фольклори намуналарини тарбиявий мақсадларда қўллашни;
- тасвирий санъатнинг жанрларини;
- ўзбек рассомларининг ва жаҳон рассомларининг энг машҳур тасвирий санъат асарларини;
- жаҳон киноси тарихидаги ривожланиш босқичларини;
- кино бўйича ўтказиладиган фестивалларни;
- кино соҳасида мактаб яратган кишиларни;
- машҳур кино асарларни;
- жаҳонда тан олинган драматик асарларни;
- машҳур театр арбобларини;
- драматик театрнинг бошқа театр йўналишларидан фарқини;
- умумжаҳон мусиқа меросидаги энг ёрқин мусиқий асарларни;

- мусиқий жанрлар ва машхур композиторларни;
- анъанавий мусика меросимизнинг энг яхши намуналарини;
- асосий мусиқий жанрлар (якка хонандалик, мусиқа жўрлиги);
- мусика асарларининг турли йўналишлари (фольклор, урф-одат мусиқаси);
- санъатда дунёқарашни ижод билан яхлитлиги;
- жаҳоннинг етакчи вокал мактаби;
- ижро этилаётган вокал асарининг услубини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- жаҳон маданияти тарихи, жаҳон ва ўзбек адабиёти, маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошкариш, Ўзбекистон номоддий маданий мероси намуналари, тасвирий санъат, кино ва телевидение тарихи, театр тарихи, жаҳон ва ўзбек мусикаси тарихи бўйича олган назарий билимини мустақил тарзда касбий фаолиятида қўллай олиш бўйича ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

*Санъат фанлари курси*
**Бакалавр:**

- оммавий байрамлар режиссураси;
- халк сайиллари;
- миллий, умумхалқ ва жаҳон байрамлари мазмун-моҳияти:
- оммавий байрамлар режиссураси назарияси;
- байрамлар тарихи ва спецификаси;
- оммавий байрамлар сценарийси;
- театрлаштирилган томошалар режиссураси;
- театрлаштирилган шоу дастурлари режиссураси;
- адабий-мусиқий композициялар режиссураси;
- бадиий публицистик композициялар режиссураси;
- оммавий байрамлар режиссурасида мизансцена;
- оммавий байрамларда тасвирий шеър, тасвирий қўшиқ ва тасвирий масал асосида композиция;
- оммавий байрамлар режиссурасида бадиий-ифодавий безак;
- оммавий байрамларда мусиқий безак;
- оммавий байрамлар режиссурасида шовқинлар билан ишлаш:
- томоша майдонини бадиий безаш;
- оммавий саҳналар билан ишлаш;
- оммавий байрамларда фон ва бадиий фон билан ишлаш;
- сценарий гояси ва олий мақсадига мос рақслар ишлаш
- актёрлик тренинги;
- актёрлик ижроси;
- этюд ва комплекс машқлар;
- актёр этикаси;
- саҳна маданияти;

- машҳур актёрлари ижодий фаолияти;
- кечинма санъати;
- таклидий санъат;
- К.С.Станиславский системасининг актёрлик маҳоратига таъсири;
- Мейерхольд биомеханикаси ва унинг ижро хусусиятлари;
- характер ва характерлилик;
- темпо-ритм;
- театр санъатининг синтетик табиати;
- актёр ижоди ва табиатининг ўзига хослиги;
- актёрнинг ҳис туйғулари ва тасаввури билан боғлиқ актёрлик мактабининг ўзига хослиги;
- актёрнинг ўз устида ишлаш тизими;
- актёрнинг роль устида ишлаш методикаси;
- кино ва телевидениеда актёр ижодининг ўзига хос хусусияти;
- миллий актёрлик санъати тараққиётининг тарихий босқичлари;
- ижод психологияси саҳна санъати хақида;
- саҳна нутқи: нафас, овоз, талаффуз гигиенаси;
- саҳнавий нутқ нормалари;
- овоз ва тўғри талаффуз қоидалари;
- саҳнавий хатти-ҳаракат;
- саҳна нутқи ва нутқ техникаси;
- артикуляция ва дикция;
- нафас ва унинг йўллари;
- орфоэпия ва тўғри талаффуз қоидалари;
- оммавий байрамларда сўз санъати ва хатти-ҳаракат;
- театрлаштирилган томошаларда сўз устида ишлаш усуллари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- оммавий байрамларни ташкил этишни;
- оммавий байрам ғояси ва мақсадини аниқлашни;
- оммавий байрамларга сценарий ёзишни;
- оммавий байрамларни саҳналаштиришни;
- оммавий байрамларни бадиий-ифодавий безашни;
- мусиқалар билан ишлашни;
- рассом. бастакор, балетмейстер билан ишлани;
- жаҳон театрининг буюк актёрлари ижодидан намуналар;
- актёрлик санъатининг етакчи мактаби;
- воқеликни бадиий англашнинг асосий тамойиллари;
- бадиий ижоднинг эстетик англаш қонуниятлари;
- оммавий байрамларда сўзнинг таъсирчанлик усулларини аниқлашни;
- дикция ва артикуляция талабларини;
- нафас олишни тўғри йўлга қўйишни;
- оммавий рақсларни байрам мақсади ва ғоясига мос қилиб саҳналаштиришни;
- миллий ва умумхалк раксларидан оммавий байрамларда фойдаланишни;

- оммавий байрамларни ташкил этиш ва уни ўтказишга умумий раҳбарлик қила олишни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- машғулотларни ташкил этиш;
- оммавий байрам ва театрлаштирилган томоша дастурларини тузиш;
- оммавий байрамлар сценарийсини ёзиш ва саҳналаштириш;
- саҳна майдони макетини тайёрлаш ва бадиий безаш;
- байрам дастури учун мусиқа, ашула ва рақс ҳамда бошқа санъат турлари намуналарини саралаш;
- оммавий байрамларда фон ва бадиий фон гуруҳи билан ишлаш;
- омма билан ишлаш услубиёти;
- оммавий рақсларда миллий ҳаракатлардан фойдаланиш;
- берилган ролнинг ички ва ташқи кўринишларини ҳис қилиш;
- рол мақсади ва ғоясини очиб бериш;
- саҳнавий ҳамкор билан ишлаш;
- саҳна нутқи устида ишлаш;
- нутқ техникасини такомиллаштириш;
- дикция ва артикуляция машқларидан мақсадли фойдаланиш;
- нафас ва уни тўғри олиш усуллари;
- сўз ижрочилиги ва сўздаги туб маънони билиш;
- овоз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда рол танлаш ва ижро этиш;
- саҳнада пластик хатти-ҳаракат қилиш;
- ритмни ҳис қилиш ва саҳнавий темпни сезиш бўйича ***амалий малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.***

**Ихтисослик фанлари**
*Ихтисослик курси*
**Бакалавр:**
- рақс ҳолатлари;
- доира дарслари;
- Фарғона рақс мактаби;
- Бухоро рақс мактаби;
- Хоразм рақс мактаби;
- Сурхондарё рақслари;
- Қорақалпоқ рақслари ҳолатлри;
- ритмга мос ҳаракат қилиш;
- пластика;
- саҳнавий хатти-ҳаракат;
- саҳна жанги;
- оммавий рақсларни саҳналаштириш;
- драма назарияси;
- драмада конфликт;
- драма жанрлари;
- ўзбек ва жаҳон драматурглари ижодий фаолияти
- сценарий турлари;
- сценарий учун материал тўплаш;

- сценарийни композицион ҳолатга келтириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- режиссурада ғоя ва олий мақсадни эмоционал тасвирлашни;
- оммавий байрамларда рақс жанридан фойдаланишни;
- рақс мактабларининг асосий ҳолатлари ва либосларини;
- саҳнавий хатти-ҳаракатда ритмик ва пластик ижрони;
- саҳна жанги ва турли миллатларнинг миллий либоси ҳамда улардан тўғри фойдаланишни;
- оммавий байрамлар турларида сценарий ва пьеса таҳлилини;
- драма жанрлари ва уларнинг бир-биридан фарқини;
- сценарий ёзиш ва саҳналаштиришни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- ижодий иш жараёнида саҳналаштириш усуллари;
- байрам мавзусига хос рақсларни танлаш:
- якка ва оммавий рақсларга мос либос танлаш;
- оммавий саҳналарда жанг усулларидан фойдаланиш;
- образлар таснифини белгилаш;
- ролларни тақсимлаш;
- драматик асарни саҳналаштириш;
- бадиий асарни саҳнавий асарга айлантириш;
- байрам ва томошага сценарий ёзиш;
- инсценировка қилиш усуллари ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

Бакалавр ихтисослигига қўйиладиган муайян талаблар кадрлар буюртмачи-ларининг талаблари ва бакалаврлар тайёрлашнинг ушбу йўналиши бўйича фан, санъат ва технологияларнинг замонавий ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

## 6 Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

**6.1** ***5151600 - Халқ ижодиёти (турлари бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

| | |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 136 ҳафта |
| Малакавий амалиётлар | 16 ҳафта |
| Битирув малакавий иш | 6 ҳафта |
| Жорий ва давлат аттестациялари | 10 ҳафта |
| Таътиллар | 36 ҳафта |
| **Жами** | **204 ҳафта** |

**6.2** Талаба ҳафталик ўқув юкламасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкламаси – 36 соат, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

**6.3** Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**6.4** Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустакил таълими кўзда тутилади.

**6.5 *5151600-Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни**

**6.5.1 Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар**

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

**6.5.2 Математик ва табиий-илмий фанлар**

***Ахборот технологиялари курси***

**6.5.2.1 Компьютер графикаси:**

компьютер графикасининг назарий асослари; рангли моделлар; растр графикаси, растр графикаси редакторлари; Paint растр редактори; Adobe Photoshop растр редактори; Adobe Photoshop дастури иблан ишлаш; вектор графикаси; Adobe Illustrator вектор графикаси; Coral Draw вектор графикаси; Coral Draw дастурида ишлаш.

**6.5.2.2 Информатика ва ахборот технологиялари:**

*ахборот тушунчаси:* ахборот тўплаш, узатиш, кайта ишлаш ва жамғариш жараёнларининг умумий тавсифи; информацион жараёнларни амалга оширишнинг техникавий ва дастурий воситалари; функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; алгоритмлаш ва дастурлаш; юкори даражадаги дастурлаш тиллари; маълумотлар базаси; дастуравий таъминот ва дастурлаш технологияси; компютер графикаси асослари.

***Табиий-илмий курс***

**6.5.2.3 Экология:**

*биосфера ва инсон:* биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, муҳит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг глобал муаммолари;

*табиатдан фойдаланиш:* табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик ҳимоя техникаси ва технологияси, экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорлик.

**6.5.2.4 Ҳаётий фаолият хавфсизлиги:**

Меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар, антропоген омиллар манбаи. атроф муҳитининг микроиқлим кўрсаткичлари, ҳавони ифлослантирувчи манбалар; Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси. техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги бўйича қонунчилик асослари; меҳнат жараёнида инсон хавфсизлигини, соғлигини ва ишга лаёқатлилигини таъминлашга каратилган методик чораларни ишлаб чиқиш; меҳнатнинг психофизиологик асослари, инсон танасининг анатомик ва антропометрик кўрсаткичлари ва уларни ишлаб чиқариш фаолияти шароитларига мослиги; меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга бўлган талаб даражаси; меҳнат фаолиятининг хавфсизлиги: фавкулодда ҳолатларда хавфсизлик; ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошқариш; бошқаришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари; хавфсизлик ва экологик тозалик талабларини назорат қилиш тизимлари; ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий оқибатлари ва ҳаражатлар; ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

**6.5.3 Умумкасбий фанлар**
***Тарихий-назарий фанлар курси***
**6.5.3.1 Жаҳон ва ўзбек маданияти тарихи:**

Жаҳон маданияти ва тарихининг мақсад ва вазифалари; маданият тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти; Ўзбекистоннинг энг қадимги маданияти; Марказий Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши ва маданий ҳаёт; Хоразм Маъмун академияси; Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти; ўзбек маданияти хонликлар ва Чор Россияси даврида; қадимги Миср маданияти; қадимги Греция маданияти; қадимги Рим маданияти.

**6.5.3.2 Жаҳон ва ўзбек адабиёти:**

Тараққиётнинг асосий босқичлари, антик адабиёт, ўрта асрлар ва уйғониш даври адабиёти, жаҳон адабиёти ҳозирги замон босқичида; барча адабиёт турларининг жанрлари ва услублари, оқимлари ва йўналишларининг шаклланиши ва ривожи; Ғарб ва Шарқ адабиётларнинг ўзига хослиги; ўзаро таъсир ва ўзаро бойиш, умуминсоний қадриятлар, халчиллик, бадиий асарларда тарихийлик; Ғарбий Европа. Рус ва Шарқ адабиётларининг тараққиёти, фундаментал асослари; жаҳон адабиёти намояндалари ижоди, адабиёт ва сиёсат, адабиёт ва санъат; миллатлараро, сиёсий, ижтимоий, замонавий муаммоларни ҳал этишда адабиётнинг ўрни ва аҳамияти; ўзбек классик адабиёти тараққиётининг асосий босқичлари: қадимий туркий ёзув ёдгорликлари, дидактик ва сарой адабиёти, классик жанрлар ва услубларни шаклланиши ва тараққиёти; аруз назарияси, классик адабиёт ва фольклор, қўшни халқлар адабиётларининг ижодий алоқаси; бадиий таржималар ва адабиётшунослик ҳақидаги мақолалар, ўзбек классик адабиёти асарларида

умуминсоний қадриятлар, тарихийлик, гуманизм, халчиллик; шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди, адабий мероси, А.Навоий, Бобур, Яссавий, Хоразмий, Лутфий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа ижодкорларнинг класик адабиёт ғоявий-бадиий тараққиётидаги ўрни; Машраб, Мунис, Огаҳий, Увайсий, Гулханий, Нодира ва бошқа шоирларнинг бадиий улуғворлиги; ўзбек классик адабиёти жаҳон классик адабиётининг ажралмас қисми сифатида, ўзбек классик адабиёти асарлари, телевидение, кино экрани ва театр саҳналарида, XX аср ўзбек адабиёти миллий адабиётнинг кўп асрлик тараққиётида алоҳида босқич сифатида, XX аср бошидаги ўзбек адабиётида модернизмни вужудга келиши; чоризм ва большевистик диктатура зулми остида янги ўзбек адабиётининг ривожланиши, миллий мустақиллик шароитида унинг тараққиёти; янги ўзбек адабиётининг шаклланиш омиллари, маърифатпарвар Муқимий, Фуркат, Беҳбудий, Авлоний кабиларни майдонга чиқиши; жадидизм ва унинг вакиллари; жаҳон модернистик адабиёти билан чоғиштирганда янги ўзбек адабиётининг умумий ва хусусий жиҳатлари; А.Фитрат, А.Қодирий, Ҳамза, Чўлпон ва бошқа ижодкорларнинг янги адабий эстетик тамойилларини ишлаб чиқишдаги ўрни; ғоявий ва бадиий методологик оқимлар 20-йиллар адабиётида жадид анъаналари, ўзбек прозасини вужудга келиши – А.Қодирий, ўзбек драматургиясини вужудга келиши, наср ва назмда новаторлик изланишлари; 30-50-йилларда "вульгар социологизми" ва унинг оқибатлари; 60-80 йиллар адабиёти – О.Ёқубов, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, П.Қодиров сингари янги авлод ёзувчиларини ижодга кириб келиши; тарихий драма ва романистика анъаналарининг давом эттирилиши; "турғунлик даври" адабиёти мафкурасининг салбий таъсири; 80-йиллар 2-ярми – республика ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар, тафаккур эркинлиги натижасида адабиёт олдида янги уфқларни очилиши; мустақиллик ўрнатилиши билан миллий тафаккурда эркинлик ва янги уфқлар; мустақиллик ва адабиёт бугунги ўзбек адабиётининг анъанавий ва модернистик хусусиятлари; ўзбек назми, насри ва драматургиясининг муаммоли масалалари.

**6.5.3.3 Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш:**

Маданий-маърифий фаолият асослари; маданий-маърифий муассасаларнинг турлари ва уларнинг иш шакллари; давлат ва нодавлат муассасалари; давлат муассасаларининг тизими; маданий-марифий муассасаларда ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш; муассасаларнинг молиялаштирилиши; клуб муассасалари тизими; марказлашлашган клуб муассасалари фаолиятини ташкил этиш; "халқ" ва "намунали" ҳаваскорлик жамоалари; ҳаваскор бадиий жамоалар; клуб ишининг усуллари ва шакллари; маданий-маърифий муассасаларда номоддий маданий меросни сақлаш ва тарғиб этиш; халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш; маданиятда менежмент ва иқтисод йўналиши бўйича предметнинг турларини таҳлил қилиш; бозор иқтисодиёти даврида таълим, маданият ва санъат йўналиши бўйича концепция, бошқарувни бозор муносабатларига

мослаштириш; ижодий гурух ишчилари меҳнатини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг замонавийлиги; маданият соҳасида иқтисоднинг истиқболли йўналиши; бозор шароитида маданият муассасаларини хусусийлаштириш; бозор шароитида маданият муассасаларини молиялаштириш механизми ва уларни таъминлаш; маданият соҳасида кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантиришнинг концептуал асослари; маданият соҳаси ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишнинг асослари; маданият муассасаси ходимларига иш ҳақи тўлашнинг асосий шакллари; меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни тақсимлашни амалий жиҳатдан қўллай билиш; бозор шароитида меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва йўналтириш; маданият муассасаларида жамоатчи раҳбарнинг ўрни; маданият ва санъат муассасаларини бюджетдан ташқари молиялаштириш масалалари ҳақидаги тушунча.

### 6.5.3.4 Ўзбекистон номоддий маданий мероси намуналари:

номоддий маданий мерос тушунчаси; номоддий маданий меросни муҳофаза қилишда жаҳон тажрибаси; Халқаро Конвенциянинг ратификация қилиниши; Қонун, Миллий Дастур ва унинг ижроси; номоддий маданий мерос классификацияси; халқ огзаки ижодиётининг маънавий-маданий аҳамияти; халқ ривоятлари, қўшиқлари эртаклари, топишмоқлари ва фольклорининг маънавий-эстетик роли; ўзбек фольклорининг жанрлари; халқ анъана ва урф-одатларининг халқ хаётидаги ўрни; табиат ва коинот билан боғлик билим ва кўникмалар; анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар; халқ томоша санъати; номоддий маданий меросни ўрганишнинг хозирги замон шароитидаги аҳамияти; номддий маданий мерос ва маданий-маърифий ишлар; номоддий маданий мерос намуналарининг тарбиявий, эстетик имкониятларидан маданий-оммавий тадбирларда фойдалана билиш; номоддий маданий мерос намуналарини ёзиб олиш, йигиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишлари.

### 6.5.3.5 Тасвирий санъат тарихи:

Умумий қонуниятлари ва тараққиёт босқичлари, тасвирий санъат турлари: рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, амалий безак санъати, меъморчилик; тасвирий санъат жанрлари: маиший ва тарихий портрет, манзара, натюрморт ва бошқалар; тараққиётнинг умумий ва хусусий хусусиятлари; қадимги дунё санъати: ибтидоий тузум. Қадимги Миср, Юнонистон, Рим; ўрта асрлар Ғарб санъати, араб халифалиги; уйгониш даври (17 аср – Италия); Ғарбий европа 17-20 асрлар санъати; рус санъати тарихи; 20 аср жаҳон санъатида асосий йўналишлар; маданий меросни асраш ва ривожлантириш муаммолари; Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати меъморчилиги; ўзбек миллий маданияти жаҳон цивилизацияси тарихида: Ўзбекистон маданияти тараққиёти хусусиятлари ва унинг таниқли намояндалари: Ўзбекистон санъати тарихининг асосий босқичлари – қадимги, антик, ренессанс, ўрта асрлар, Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ривожи, 18-20 аср бошлари Ўзбекистон санъати,

20 асрда янги турлар ва жанрларни шаклланиши мустақиллик мафкураси ва унинг Ўзбекистон тасвирий санъати тараккиётидаги ўрни; моддий маданият, маишат ва либосларнинг барча даврлардаги тарихи.

**6.5.3.6 Кино, телевидения ва радио санъати тарихи:**

Жахон ва миллий кинематграфия тараккиётининг асосий боскичлари; замонавий кино шакллари, турлари ва жанрларининг кўп кирралилиги; кинематография назарияси бўйича илмий тадкикот ва таълимий муассасаларни шаклланиши; ўзаро таъсир, тажриба ва назария; телевидениени пайдо бўлиши, масофадан сигнал узатиш тизими сифатида, кўрсатувлар циклини пайдо бўлиши ва техник ҳамда ижодий имкониятларни ўсиши; бадиий телевидение, унинг шакллари ва жанрларига назарий карашларнинг шаклланиши ва ривожи; бадиий ва нобадиий телевидение, жахон тажрибасини умумлаштириш. Европа, Англия ва бошка мамлакатларнинг овозсиз кинематографияси; овозли кино даври; Ўзбекистон кинематографияси тарихий тажрибаси; кинематографиянинг адабиёт, рангтасвир, мусика билан алокалари; МДҲ киноси тарихи; усталар - Д. Вертов, С. Эйзенштейн, А. Довженко, Пудовкин, Я.Протазанов; кинометографлар ишлаб чикадиган мавзулар хилма – хиллиги; мумтоз ва замонавий насрнинг ўзлаштирилиши; кино ижодкорлигининг тарихий жараёни ва кинематография услубларининг назарий идрок этилиши; шахс шаклланишига кино воситасида эстетик таъсир этиш; кинометография истикболлари; ўзбек халки ҳаётига кино кириб келиши; ўзбек соқов киноси; кинода долзарб замонавий мавзу; экранда тарихий мавзу; овозли кино бошланиши; 1936 – 1941 йиллар – “Асал”, “Азамат” фильмлари; уруш йилларида кино; Н.Ғаниевнинг “Тоҳир ва Зуҳра” классик фильмини яратилиши; урушдан кейинги қийинчилик йиллари; бадиий фильмлар тўхтатилиши; 50 йилларда ўзбек киносини уйғониши; кинони адабиёт билан ижодий алоқалар тикланиши; 60 йилларда ўзбек киноси гуллаши; кинометографиячиларнинг янги авлоди келиши; 60 йилларнинг етакчи мавзулари замонавий, уруш мавзуси, тарихий; 70 – йилларда кинода ижодий даражанинг тушиши; 80 йилларда кино; режиссёрларнинг янги авлоди келиши; мустақиллик даври киноси; ҳужжатли кино тарихи ва назарияси: ўзбек ҳужжатли киносини ривожланиш этаплари; хроника – ҳужжатли кинометографиясида жанрлар хилма – хиллиги; илмий – оммабоп фильмларда хилма – хил мавзуларни ўзлаштирилиши; МДҲ ҳужжатли кино ривожланиши; ҳужжатли кино фильм тажрибаси ва ҳужжатли илмий – оммабоп кино назарияси юзага келиши; илмий тарғиботда илмий – оммабоп кино ўрни; мустақиллик даври ўзбек киносини тараққий эттиришда давлат сиёсати; телевидениеда жанр ривожланиш истиқболлари; ҳаракациз объектни, сўнгра масофада ҳаракатланишни тасвирлаш тарихий тажрибаси; телевидение хусусиятлари; жаҳон ва МДҲнинг етакчи телевизион станцияларининг кўрсатув ташкил этишдаги тажрибалари; телевидение ривожланиши бўйича назарий мулоҳаза ва тезислар; масофадан кўрсатувлар тасвирий сигналларни узатишнинг техник имкониятлари ва такомиллаштириш йўл - йўриқлари;

телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари тузилиши; жаҳон кино, театр усталарининг жамиятда телевидениенинг ўрни ҳақида назарий мулоҳазалари; телевидение ва радионинг мафкуравий роли, ижтимоий аҳамияти ва тарбиявий функциялари; телевидениенинг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш фаолияти имкониятлари; шахсий назарий концепциянинг тикланиши; телевидениенинг жамиятдаги эстетик функцияси; Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодий, жамиятнинг мафкуравий ва ижтимоий муаммоларнинг ечимида миллий телевидениенинг роли ва вазифалари; мустақиллик йилларида телевидение фаолиятини такомиллаштириш бўйичаислоҳотлар.

**6.5.3.7 Жаҳон ва ўзбек театри тарихи:**

Асосий тараққиёт босқичлари: антик театр, ўрта аср ва уйғониш даври театри, маърифатпарварлик даври театри; жанрлар, оқимлар ва театр мактабларининг шаклланиши ва тараққиёти; режиссурани вужудга келиши; 20 аср театрларининг янгиланишида новаторлик изланишлар, хорижий театр намояндалари ва театр маданиятини тараққиётида уларнинг ўрни; 19 аср рус театрида реалистик тамойилларни ўрнатилиши; МДҲ халқлари театри тараққиёти босқичлари; ижтимоий театр шаклини вужудга келиши; Озарбайжон, татар драматургияси; Марказий Осиё халқлари драматургияси ва театрлари; саҳна санъатида театр изланишлари ва тажрибаларининг бойлиги ва хилма-хиллиги; миллий театр театри тарихи; масхарабоз ва қизиқчилар, шунингдек, қўғирчоқ театри, оғзаки шаклда қадимги даврлардан мавжуд бўлган театр хусусияти; XX аср бошида адабий драма ва театрни шаклланиши, драматургия ва жадидлар театри, саҳна санъати шакллари ва жанрларнинг кўп қирралилиги; мусиқали драма ўзбек театрининг асосий тури сифатида; миллий режиссура ва актёрлик мактабининг шаклланиши ва тараққиёт йўллари; жаҳон театри тажрибасини эгаллаш; драматургия ва саҳна санъатида халқ ўтмиши ва маънавий қадриятларининг акси; Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ғояларини ифодалаш бўйича янги изланишлар.

**6.5.3.8 Жаҳон ва ўзбек мусиқаси тарихи:**

Мусиқа санъати тараққиётининг асосий босқичлари, мусиқа ибтидоий жамоа тузуми маиший қисми сифатида; ўрта асрларда мусиқа санъати: трувер ва трубадурлар ижоди, уйғониш даври мусиқаси, мусиқий-назарий ва мусиқий-эстетик қарашлар; полифоник мактаб – Бах, Гендел; Ғарбий Европа мусиқаси намояндалари – Гайдн, Моцерт, Бетховен; миллий композиторлик мактаблари: поляк, немис венгер ва италян. Мусиқада импрессионизм – Равель, Дебюсси; театр мусиқасини вужудга келиши ва ривожи: опера санъати (Ж.Бизе), оперетта (И.Кальман), балет (П.Чайковский); XX аср мусиқасида замонавий оқимлар; жаз, эстрада санъати, поп-мусиқа; Ғарбий Европа ва Шарқ мусиқа маданиятининг жанр ва услубларининг вужудга келиши ва тараққиёти; қадимги Шарқ: Миср, Ҳиндистон, Хитой мусиқаларининг ўзига хослиги, миллий

хусусиятлари; миллий мусика маданияти илдизлари; ал-Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний каби шарк мутафаккирларининг мусиқий-назарий мероси, мусиқанинг маънавий, маърифий таъсири; Амир Темур ва темурийлар даври мусиқа санъати; Навоий даври мусиқий хаёти; ўзбек халк ижодкорлиги (жанрлар, шакллар, хусусиятлар, оҳанг тузилиши, метр-ритмик хусусияти); ўзбек халк чолғу асбоблари, ўзбек мақомлари, шашмақом – ўзбек халқ кўшикчилик ижоди намунаси (вокал ва чолғу асбоблари бўлими); мақомда-бухороча, тошкент-фарғонача, хоразмча йўналишлар; маком ижрочилари ижоди; бастакорлар ижоди, миллий мусиқа маданиятининг ёрқин намунаси сифатида (Ю.Ражабий, Т.Жалилов, И.Икромов); ўзбек мусиқа асбобларининг кейинги ривожи тарихи; ўзбек композиторларининг мусиқий ижодий фаолияти (симфония, вокал симфония мусиқаси); мусиқий театр санъатининг вужудга келиши: назария, тарих ва замон театр ва кино мусиқаси; эстрада жаз мусиқаси; Ўзбекистон мусиқа маданиятини янги нуктаи назардан таҳлил қилиш; Ўзбекистон мустакиллиги даврида муҳим мусиқий ва театр мусиқий воқеалар (Шарқ тароналари, Ўзбекистон – Ватаним маним, Наврўз театр фестиваллари)

***Санъат фанлари курси***

**6.5.3.9 Оммавий байрамлар режиссураси:**

Байрам ҳақида тушунча; байрамнинг специфик хусусиятлари ва турлари; байрамларнинг тарбиявий ахамияти; оммавий байрамлар режиссурасининг ўзига хослиги; байрамларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни; станиславский системасининг моҳияти; К.С.Станиславский ҳаёти ва ижоди ҳамда системаси; Вс.Е.Мейерхольд ҳаёти ва ижоди ҳамда биомеханикаси; туманов-оммавий байрамлар режиссурасининг илмий асосчиси; сценарий оммавий байрамлар асоси; оммавий байрамларни ташкиллаштириш; фон гуруҳи; бадиий фон; композицион тузилиш; интермедия; латифа; памфлет; фелетон; тасвирий шеър; тасвирий масал; тасвирий кўшик; оммавий байрамларда публицистика; театрлаштирилган томоша; театрлаштирилган контцерт; театрлаштирилган шоу дастурлари; оммавий байрамлар ракс; кечинма санъати; ҳаётий ҳақиқат; мизансцена тўғрисида тушунча; параллел, диагонал, орка фронтал, шахмат, метафорик, горизантал, образли мизансценалар қуриш; байрамларни саҳналаштиришда мизанстценалар устида ишлаш усуллари: бадиий публицистик композициялар режиссурасининг ўзига хос хусуси ятлари; хужжатли ва бадиий материалларнинг синтези; эпизодлар катори, архив ҳужжатларини бадиийлаштириш ва сахналаштириш; монтаж варағи; таъсирчан воситалар; мусиқий безак; бадиий безак; сахна майдони тузилиши; саҳналаштириш жараёни.

**6.5.3.10 Актёрлик маҳорати:**

Актёрлик маҳорати элементлари; актёр этикаси; актёрлик маҳоратининг назарий асослари; К.С.Станиславский таълимоти; хатти-харакат-сахна санъатининг асосий омили; хатти-харакат табиий психо-физик жараён;

актёрнинг ўз устида ишлаши; актёрнинг рол устида ишлаши; актёрлик маҳоратининг асосий унсурларини ривожлантиришга қаратилган машқлар; хиссий хотира учун машқлар; тасаввурдаги буюмлар билан харакат машқлари; мантик ва изчилликка қаратилган машқлар; табиийлик, жасорат, органик яшаш тарзини ривожлантириш учун машқлар; партнёр билан мулоқотга ўтиш жараёнида сўз ва психо-физик ҳатти-харакат; темп ва ритм (суръат ва маром) машқлари; этюд устида ишлаш; бир кишилик этюдлар; икки кишилик этюдлар (сўзсиз мулоқот); кўп кишилик этюдлар; актёрлик мактабининг ривожланиш жараёнлари; актёрлик санъатида “кечинма” ва “тақлид” услубиятлари; санъатдаги хаваскорлик; адабий, драматургик асрнинг ҳатти-харакат таҳлили; К.С.Станиславскийнинг физик харакат услубияти; саҳнавий макон композицияси; мизан саҳнанинг асосий қонуниятлари; саҳнавий асарнинг муҳити (атмосфераси); пьеса ва ролнинг ҳатти-харакат таҳлили; рол устида мустақил ишлаш: пьеса ва ролнинг шарт-шароитини аниқлаш, характер ва ташқи характерлиликни топиш, матн ва матн остидаги маъно, сўз ҳаракати ва таъсирчанлиги устида ишлаш; қарама-қаршилик; жанр ва актёрнинг ролдаги яшаш тарзи; образ яратишда қайта гавдаланиш; замонавий жамиятда театр санъатининг ўрни; жаҳон театрининг буюк актёрлари ижоди; актёр ижодкорлигининг етакчи жаҳон мактаблари; воқеликни бадиий англашнинг асосий тамойиллари; бадиий ижоднинг эстетик англаш қонуниятлари; жаҳон актёрлик санъатининг энг янги ютуқлари; санъатда дунёқарашни ижод билан яхлитлиги; театр санъатининг синтетик табиати; актёр ижоди табиати; актёрнинг саҳнадаги ҳис туйғулари табиати; ҳис туйғулар ва тасаввурлар билан боглиқ бош актёрлик мактаблари табиати ва уларнинг синтези; роль устида ишлаш методикаси; кино ва телевидениеда актёр ижоди хусусияти; миллий актёрлик санъати тараққиётининг тарихий босқичлари; актёр ижоди психологияси; саҳна ижоди усуллари ва шакллари; талаффуздаги камчиликларни тузатиш бўйича машқлар; нафаснинг кўкрак диафрагматик турини эгаллаш ва мустаҳкамлаш; актёр овоз аъзосининг тузилиши; таникли актёрлар ижоди билан танишиш; пойтахт театрларида фаолияти юритаётган актёрлар ижоди билан танишиш.

**6.5.3.11 Саҳна нутқи:**

Саҳна нутқи; нутқ техникаси; артикул ятция; диктция; орфоэпия; нафас; овоз; нутқ техникасини такомиллаштиришда комплекс машқлар; ўзбек сўз санъати асосчилари; ўқиш санъати турлари; нутқ маҳоратида ҳис килиш ва кўриш; “бадиий сўз” тушунчаси; нутқнинг ифодавий воситалари; матн устида ишлаш; манзаравий парчалар; тез айтиш ва мақоллар; саъж ва маталлар; саҳнавий тасаввур; театрлаштирилган томошаларда саҳна нутқи; репертуар устида ишлаш; нутқ техникасини такомиллаштирувчи матнлар; овоз ва нафасни йўлга қўйиишда махсус комплекс машқларни танлаш; тасвирий шеър; тасвирий масал; тасвирий қўшиқ; оммавий байрамларда публицистика: монолог; манзаравий матн ва ижрочилик маҳорати; кам воқеали матнлар устида

ишлаш; интермедиялар устида ишлаш; ҳажвий асарлар устида ишлаш; латифалар устида ишлаш; ғазаллар устида ишлаш; рубоийлар устида ишлаш.

**6.5.4 Ихтисослик фанлари**
***Ихтисослик курси***
**6.5.4.1 Рақс:**

Ракс пайдо бўлиши; илк ўрта асрлар рақси; феодал муносабатлар ўрнатилиши даври рақс санъати; А.Темур ва Темурийлар даври рақс санъати; охирги ўрта асрлар даври ва XIX аср ракс санъати; XX аср биринчи ярми ракс санъати; 20 – 30 йилларда ўзбек саҳна рақси пайдо бўлиши; Ўзбекистонда 40 – 50 йилларда балет санъати шаклланиши ва ривожланиши; XX аср иккинчи ярмида балет санъати; 50 – 70 йилларда Навоий театри саҳнасида классик балетлар; замонавий классик балетлар; Навоий театри саҳнасида миллий балетлар; машҳур ўзбек балет артистлари; 50 – 90 йилларда Ўзбекистон рақс санъати: “Баҳор”, “Шодлик”, “Зарафшон”, “Лазги” ва бошқа рақс ансамбллари; машҳур раққосалар ижоди; замонавий саҳна рақси; 80 – 90 йилларда балет санъати; ўзбек санъатининг таниқли хореограф, балетмейстр ва балет артистлари; Ҳиндистон рақс санъати; классик рақс; ибодатхона рақслари; халқ рақслари; Хитой рақс санъати: рақс пайдо бўлиши; маросим ва диний рақслар; Хитой пантомима – рақси; XX аср рақс санъати; Ғарбий Европада рақс санъати ва хореография; антик даври рақси; Европа балети юзага келиши; Италия ва Франция балет санъати; таниқли балетмейстр ва раққосалар; XX аср балет санъатининг асосий бадиий йўналишлари; XX аср балет санъатининг таникли хореограф, балетмейстр, балет артистлари; Россия хореографияси ва ракс санъати; халқ раксини юзага келиши ва ривожланиши; XVII асрда балет ривожланиши; XVIII – XIX асрларда балет санъати: Ш.Дидло, М.Петипа ижоди; Россияда XX аср бошида балет санъати: М.Фокин, В.Нежинский, А.Павлова ижоди; Парижда рус мавсумлари; XX аср Россияда балет санъати; Ю.Григорович ижоди; таниқли хореографлар; рус балет театри усталари.

**6.5.4.2 Саҳна харакати:**

Ҳаракат жозибаси; тайёрловчи машқлар; жисмларсиз машқлар; бўйин мушаклари учун машқлар; кўл ва елка қисм учун машқлар; кўл ва елка кисм учун машклар; оёк мушаклари учун машқлар: барча бадан мушаклари учун машқлар; «посонги» ҳолатда оёқда туриш машқлари; мушакларни бўшатиш машклари; акробатика элиментлари; махсус тайёргарлик машклари; саҳна йиқилишларига тайёргарлик машқлари; сахнада йикилиш (эркаклар учун); саҳна майдонида хар – хил шароитда юриб харакат қилиш (станоклар устидан); жисмлар билан ишлаш; ёғочлар билан машк қилиш; арқонда сакраш машклари; ўзини машқларга тайёрлаш; махсус тайёргарлик машқлари; саҳна йикилишлари; партнерни кўтариб юриш; курашиш ва қарама-қаршиликлар кўрсатиш машклари; жисмлар билан ишлаш; кичик тўплар билан ишлаш; ёғочлар билан машклар; кийим кийишни ўрганиш ва юриш – туриш; плаш

билан машқлар; турли даврларга хос бўлган таъзим қилиш хатти-ҳаракатларини ўзлаштириш; ўтмишдан то бизнинг замонамизгача бўлган қуроллар тури ва костюмлар тарихи;барча замонлар ва ҳалқларнинг совуқ қуроллари тарихи; совуқ қуроллар ёрдамида юриш-туриш ва муомила маданиятини ўрганиш:сахна жанглари вақтида совуқ куролларни ишлатиш жараёнида техника хавфсизлиги асосларини ўрганиш; (қилич, шпага, тиг, қалқон, икки тиғли қилич, ханжар ва пичоқ, ойболта, найза, санчик) жароҳат бериш техникаси; совуқ қурол билан йиқилиш; саҳна жангларини ёзма равишда таърифлаш; мустақил равишда саҳна жанги композициясини ишлаб чикиш;

**6.5.4.3 Драма назарияси:**

Драма назарияси курсининг касбий тайёргарликда тутган роли, ўрни ва аҳамияти; курс тузилишининг методологик тамойиллари учун адабиёт ва санъат, драматургия ва театрнинг назарий муаммоларига тегишли адабиётшунос ва санъатшунос, файласуфларнинг классиклари; улар ишларининг асосий аҳамияти; классиклар Эсхил, Шекспир, Шиллер ижоди ҳақида; Лассалнинг “Франц фон Зикингин” трагедияси ҳақида; қаҳрамонлик, фожеийлик, кулгилиликнинг эстетик хусусиятлари ҳақида; Аристотель, Лессинг, Гегель, Белинскийнинг бадиий адабиётни алоҳида хил (тур)ларларга ажратиш зарурлиги ҳақида мулоҳазалари; Бадиий адабиёт хили (тури: драма, лирика, эпос); Аристотель драмани “ҳаракатни ҳикоя эмас, ҳаракат орқали тақлид қилиш” деб белгилаши; драматик асарда коллизия ва конфликт, воқеалар тузилиши драматургик асарларда; драматургик асарларда ҳаракат; драматургик асарларнинг композицияси; драматургик асарларнинг жанрлари; драма ва театр: театр фақат пьеса орқали билвосита эмас, балки мустакил бадиий тузилмага эга бевосита ҳақиқатни ифодалаш санъати; драматургия бадиий адабиёт ва театрга тегишли санъат тури сифатида. Гоголнинг драматургия санъати ва театр муносабатларининг ўзига хослиги ҳақида, Гегель саҳнавий талқин воситалари орқали драмани “жонлантириши” ҳақида; Станиславскийнинг драма саҳнавий талқин этилмаган якунланмаган асар деган фикри ҳақида; Б.Шоу ёзилган сўз ва эшитилаётган сўз муносабатлари ҳақида; драма назариясига тарихий нуқтаи назардан қараш.

**6.5.4.4. Сценарий маҳорати:**

Маҳалий далилларни тўплаш ва монтаж ишлаш; замонавий қаҳрамон муаммоеини ўрганиш; мустақиллик даври драматурги яси билан танишиш; ҳужжатли-тарихий публицистик асарга мавзу библиографик қўлланмалар асосида материаллалар танлаш ва инценировка қилиш, архив фондлари билан танишиш; мустакиллик фидоийлар қатоғон этилганлар: Мунаввар кори, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир асарлари асосида табаррук кунларга аталган тадбирлар учун сценарийлар ёзиш; сценарий оммавий байрамлар асоси; композицион тузилиш; интермедия; латифа; памфлет; фелетон; тасвирий шеър; тасвирий масал; тасвирий қўшиқ; оммавий

байрамларда публицистика; театрлаштирилган томоша; театрлаштирилган концерт; театрлаштирилган шоу дастурлари.

***Олий таълим муассасаси томонидан белгиланадиган ихтисослик фанлари.***

Ихтисослик фанлари рўйхати ва мазмуни кадрлар буюртмачиларининг талаблари ва бакалаврлар тайёрлашнинг ушбу йўналиши бўйича фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

### 6.5.5 Малакавий амалиёт

***Ўқув-танишув ва ишлаб чиқариш малакавий амалиёти:***

Оммавий байрамлар режиссураси, актёрлик маҳорати ва саҳна нутки каби фанлардан олган назарий билимларни бевосита амалда синаб кўриш; хорижий мамлакатларда театр, байрам ва томошалар режиссураси соҳасида эришилаётган ютуқларини татбик килиш ва кенг ёйиш; байрам ва томошалар, тадбирларда, ижодий кечаларда, ижодий чикишларнинг мақсадларини шакллантириш; саҳнавий ва майдон томоша асарларини саҳналаштиришда, томоша учун мўлжалланган майдон макетини тайёрлашда, майдонни бадиий безашда ахборот технологияларидан фойдаланиш; ижодий кечалар ва ижодий чикишлар ҳисоботлари, маълумотномалар, интернет материаллари ва бошка ахборот манбалари билан ишлаш; умумкасбий ва ихтисослик фанларида ўзлаштирилган билим, иктидор, маҳорат ва кўникмаларни мустаҳкамлаш; маданият муассасаларнинг моддий-техник базасини ўрганиш ва таҳлил килиш; бадиий ҳаваскорликнинг барча жанр ва турларини ва аҳоли талабини ўрганиш мақсадида социологик тадкикотлар ўтказиш; танланган ихтисослик бўйича аник тадбирларни мустакил равишда ўтказиш; маданий-маърифий ва бадиий жамоа раҳбари сифатида малака ошириш.

***Битирув-малакавий амалиёти:***

Битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; ижодий иши амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун материалларни тўплаш.

### 6.5.6 Битирув малакавий (ижодий) иш (лойихаси)

Битирув малакавий (ижодий) иш(лойиха)лар мавзуи таълим муассасасининг мутахассислик кафедралари томонидан кадрлар буюртмачиларининг талаблари, шунингдек, замонавий фан, маданият, санъат ютуқларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Битирув малакавий ишларининг мавзуи ижодий ёки илмий-тадкикот йўналишида бўлиши мумкин.

Талабага битирув малакавий иш топшириғи одатда, у учинчи курсни тугатгандан сўнг берилади. Иш (лойиҳа) тўртинчи курс давомида, шунингдек, мазкур стандартда бажариш учун ажратилган вакт мобайнида бажарилади.

## 7. Бакалавриатнинг асосий таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга бўлган талаблар

**7.1** Бакалавриатнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

**7.1.1** Таълим дастурини ишлаб чикишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

Олий таълим муассасалари асосий таълим дастурини фан, техника, маданият, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

**7.1.2** Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

**7.1.3** Компетентли ёндошувни амалга ошириш ўқув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларини ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, ўқиётган контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза туридаги машғулотлар аудитория машғулотларининг 50 % идан ортмаслиги керак.

**7.1.4** Талабалар ўқув юкламасининг максимал ҳажми асосий таълим дастури ва таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

**7.1.5** ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

**7.1.6** Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фанлари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

**7.1.7** Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлик шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни камраб олиши керак.

## 7.2 Таълим дастурларининг тадбиқ этилиши

***5151600 - Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш таълим дастури ривожлантирувчи ўқитиш, ахборот технологиялари ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда тайёрлашнинг ушбу йўналиши бўйича аккредитация қилинган олий таълим муассасаларида амалга оширилиши керак.

Талабалар хорижий тилларни ўзлаштириши, ҳамда бунинг учун зарур бўлган шароитлар яратилиши бакалаврларни тайёрлашда бош вазифа бўлиши керак.

Малакавий амалиётлар замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларда ўтказилади. Улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган амалиёт базалари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув малакавий (ижодий) ишини ҳимоя қилади. Битирув малакавий (ижодий) иш Мутахассислик фанларидан амалий ижро шаклидаги Давлат аттестацияси билан алмаштирилиши мумкин. Бунда Давлат аттестацияси талаблари (қайси фанларни камраб олиши) мутахассислик кафедраси томонидан ишлаб чиқилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

## 7.3. Малакавий амалиётларни ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалавриат асосий таълим дастурининг мажбурий бўлаги ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури ўқув-танишув, малакавий ва педагогик ишлаб чиқариш амалиётларини ўз ичига олади.

Ўқишнинг биринчи йилида ўқув-танишув амалиёти ўтказилади, мақсад – ўқиётганларни олий таълим муассасаси, Тошкент шаҳридаги намунали маданий-маърифий муассасалар (театрлар, музейлар, ижодий марказлар, маданият ва истироҳат боғлари, маданият саройлари ва б.) фаолияти билан таништиришдан иборат. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти талабаларни халқ бадиий ижодиёти йўналиши бўйича кўникмаларини эгаллашга, педагогик фаолият бўйича илғор

тажрибаларни ўрганиш ва амалда синаб кўриш масалаларига мўлжалланган. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси асосида белгиланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган ишлари юзасидан амалиёт раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларидан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беради. Баҳолаш шакли рейтинг мезонлари асосида белгиланади.

Ижодий-амалий масаласини ечиш учун зарур бўлган назарий билимларни ва амалий кўникмаларни эгаллаш; тегишли ҳужжатлардан фойдаланиш, иш жараёнига оид ҳужжатларини назорат қилиш бўйича амалий кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

Талабанинг илмий-тадқиқот (ижодий) иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот (ижодий) иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У битирувчини 8-семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини касбий (ижодий) циклнинг базавий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва ҳимоя қилинишини, талабаларнинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув малакавий ишни кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилиниши қуйидагилар билан таъминланиши керак:

- курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда талабаларни иш жойи билан таъминлаш;
- олий таълим муассасасининг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишни олиб бориш имкониятини тақдим этиш;
- талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;
- талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа олий ўқув юртларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

## 7.3. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалавриат асосий таълим дастурини амалга ошириш ўқитилаётган фаннинг ихтисослилигига мос, одатда, базавий таълимга эга бўлган илмий-педагогик кадрлар билан ва тизимий равишда илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан таъминланиши керак.

Ихтисослик фанлари ўқитувчилари ўқитилаётган фан ихтисослигига мос базавий таълимга ёки илмий даражага эга бўлишлари керак. Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиликка жалб этилиши мумкин.

## 7.3 Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Асосий таълим ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Асосий таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир ўқиётган асосий таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва кутубхона фондидан фойдаланиш хукуки билан таъминланиши керак.

Фан дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда ўкув ва ўкув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

Ахборот-ресурс марказининг асосий фонди охирги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иктисодий циклнинг базавий фанлари учун – охирги 5 йилда) чоп этилган ҳамма циклларнинг базавий қисми фанлари бўйича ўкув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари кўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-бибилиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлик амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўкув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган ўкув-услубий адабиётлар ва чет элда чоп этилган кўшимча манбалар хар бир талабага етарли даражада бўлиши керак.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

*5151600-Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўкитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофик:

ўкитишнинг интерфаол методи

муаммоли ўкитиш технологияси

ўйинли технологиялар

танкидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари

шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар

ўкув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар

ўкитишни дифференциациялаш

ўкитишни индивидуаллаштириш технологияси

дастурий ўқитиш технологияси

ўкитишнинг комплекс методлари (ижодий, тармокли режалаштириш методи, аклий хужум, ассоциограммалар методи ва х.к.)

### 7.6. Ўқув жараёнининг моддий-техник базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг асосий таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган ва амалдаги санитар ва ёнгинга қарши қоидалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техник базасига эга бўлиши керак; бу моддий-техник база фанлар ва фанлараро тайёргарликнинг ҳамма турларини, талабаларнинг лаборатория, амалий ва илмий-тадқиқот иши ўтказилишини таъминлаши керак.

Бакалавр дастурини амалга ошириш учун минимал зарур бўлган моддий-техникавий таъминот рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- маъруза (поток ёки гуруҳлар) аудиториялари;
- семинар машғулотлари учун аудиториялар;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар.
- якка машғулотлар учун аудиториялар:

Мавжуд моддий база қуйидагиларни таъминлаши керак:

-иллюстратив материалларни намойиш қилиш учун турли техник воситалар ва жиҳозлар;

- маърузаларни ўтказиш;
- лаборатория ишлари дастурига мос равишда жиҳозлар – базавий фанлар бўйича лаборатория-амалий ишларни бажариш;
- лабораториянинг амалга оширилаётган илмий мавзусига мос равишда жиҳозлар – ихтисослик (махсус) фанлар бўйича лаборатория ишларини бажариш;
- ижодий ишларни бажариш (ноталар ёзиш) ва ахборот тизимларидан фойдаланиш учун компьютерлар;
- семинар машғулотларини ўтказиш, лингафонли кабинетлар – хорижий тиллар бўйича машғулотлар.

## 8. Бакалаврлар тайёрлаш сифатини баҳолаш

**8.1** Олий таълим муассасаси тайёргарлик даражаси сифатини кафолатли таъминлашга мажбур, жумладан қуйидаги йўллар билан:

- иш берувчилар вакилларини жалб қилган ҳолда битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси сифатини таъминлаш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш;
- таълим дастурлари мониторингини ўтказиш, уларни даврий тақриз қилдириш;

-талабалар билими ва амалий кўникмалари даражасини, битирувчилар компетенцияларини объектив баҳолаш процедураларини ишлаб чиқиш;

- ўқитувчилар таркибининг компетентлигини таъминлаш;
- иш берувчилар вакилларини жалб қилган ҳолда фаолият (стратегия)ни баҳолаш ва бошқа таълим муассасалари билан таққослаш учун мувофиқлаштирилган мезонлар бўйича мунтазам равишда таҳлил қилишни ўтказиш.

**8.2** Бакалавриат йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

***ички назорат*** – олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

***якуний давлат назорати*** давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича давлат аттестациясини ва битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

***давлат-жамоат назорати*** олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

***ташқи назорат*** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан уларнинг меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади.

**8.3** Ҳар бир фан бўйича билимларни жорий ва оралиқ назорат қилишнинг муайян шакли ва ўқув жараёнига тадбиқ этилиши ОТМ томонидан мустақил ишлаб чиқилади ва талабалар эътиборига ўқишнинг биринчи ойи давомида етказилади.

**8.4** Талабаларнинг ўзлаштириши жорий назорати ва оралиқ аттестацияси дастурлари, уларнинг бўлажак касбий фаолияти шароитларига максимал яқинлаштирилиши учун шароитлар ОТМ томонидан яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб қилиниши керак.

**8.5** Якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув малакавий иши(ижодий) ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув малакавий (ижодий) ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**8.6** Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши ва олий таълим муассасаларининг давлат аттестацияси ва аккредитацияси ҳақидаги Низомда назарда тутилган бакалавр тайёрлашнинг сифати;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир интеграллаштирилган курс фанларининг курс дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар. шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.
-

**9. Эслатма**

9.1 Олий таълим муассасасига:

- ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмасдан ўқув материалини ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокка кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;
- ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш;
- битирув малакавий иш (ижодий) мавзусини белгилаш олий таълим муассасаси ректори томонидан расмийлаштирилади.

**9.2** Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

**9.3** Давлат таълим стандартини билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

**10 Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати**

**10.1** Давлат таълим стандарти ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати – 5 йил.

**10.2** Давлат бошқарувининг ваколатли огранлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТСларнинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

***5151600- Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссёрлиги)* таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| **Т/р** | **Ўқув фанлари, интеграллашган курслар ва блокларининг номлари** | **Умумий юк-ламанинг ҳажми соатларда** |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар** | **1704** |
| **2.00** | **Математик ва табиий илмий фанлар** | **642** |
| | ***Ахборот технологиялари курси*** | ***486*** |
| 2.01 | Компьютер графикаси | 164 |
| 2.02 | Информатика ва ахборот технологиялари | 322 |
| | ***Табиий-илмий курс*** | ***156*** |
| 2.03 | Экология | 104 |
| 2.04 | Ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 52 |
| **3.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3888** |

| | | |
|---|---|---|
| | ***Тарихий-назарий фанлар курси*** | ***906*** |
| 3.01 | Жаҳон ва ўзбек маданияти тарихи | 114 |
| 3.02 | Жаҳон ва ўзбек адабиёти | 108 |
| 3.03 | Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш | 192 |
| 3.04 | Ўзбекистон номоддий маданий мероси намуналари | 246 |
| 3.05 | Тасвирий санъат тарихи | 54 |
| 3.06 | Кино, телевидения ва радио санъати тарихи | 54 |
| 3.07 | Жаҳон ва ўзбек театри тарихи | 30 |
| 3.08 | Жаҳон ва ўзбек мусиқаси тарихи | 108 |
| | ***Санъат фанлари курси*** | ***2982*** |
| 3.09 | Оммавий байрамлар режиссураси | 1170 |
| 3.10 | Актёрлик маҳорати | 1116 |
| 3.11 | Саҳна нутқи | 612 |
| **3.12** | **Танлов фанлари** | **84** |
| **4.00** | **Ихтисослик фанлари** | **690** |
| | ***Ихтисослик курси*** | ***690*** |
| 4.01 | Рақс | 216 |
| 4.02 | Саҳна ҳаракати | 216 |
| 4.03 | Драма назарияси | 54 |
| 4.04 | Сценарий маҳорати | 108 |
| **4.05** | **Танлов фанлари** | **96** |
| **5.00** | **Қўшимча фанлар** | **420** |
| | **ЖАМИ:** | **7344** |
| | **Малакавий амалиёт** | **864** |
| | **Битирув малакавий (ижодий) иши** | **324** |
| | **Аттестациялар (Давлат аттестациялари)** | **540** |
| | **Жами** | **1728** |
| | **ЖАМИ:** | **9072** |

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7. Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

маданият, санъат, адабиёт, байрам, томоша, режиссура, режиссёр, режиссёр ассистенти, монтаж варағи, режиссёрлик партитураси, таъсирчан воситалар, рамз, аллегория, метофора, актёр, саҳна майдон, кечинма санъати, тақлидий санъат, характер, характерлилик, темпо-ритм, актёр этикаси, декорация, нур, чироқ, шовқин, бадиий безак, мусиқий безак, грим, драматургия, драма назарияси, жадид драмаси, сценарий, инсценировка, пьеса, тасвирий шеър, тасвирий қўшиқ, тасвирий масал, саҳна нутқи, артикуляция, дикция, нутқ техникаси, орфоэпия, монолог, диалог, эстрада, эстрада актёри, бир актёр театри, мусиқа назарияси, сольфеджио, номоддий маданий мерос, ансамбль, халқ ижодиёти, маданият муассасалари, мусиқа чолғулари, таълим жараёни, менежмент, мусиқа саводи, созандалик, хонандалик, маданият назарияси, маънавий муҳит, ўқув режаси, репертуар, фольклор.

# VII. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

**Давлат таълим стандарти** - узлуксиз таълим тизими фаолиятини ташкил этиш мазмунининг асоси ҳисобланади; у таълим турларининг вертикал бўйича узлуксизлаштирилган ва узвийлаштирилган ўқув дастурлари, сифатли кадрлар тайёрлашни таъминлаш учун зарур бўлган шароитларни яратишнинг ишончли механизмдир.

Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги "Таълим тўғрисидаги" Қонуннинг кабул қилинганидан кейин (6 банди) кенг микиёсда жорий этилди ва 1997 йилдан бошлаб Қонуннинг 7 бандига мувофиқ ДТСларни жорий эттириш давом этмоқда.

Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг амалдаги тартиби бир томондан кадрлар тайёрлаш жараёнида барча манфаатдор томонларнинг (таълим муассасалари, фан ва ишлаб чиқариш) мажбурий фаол иштирокини таъминласа, иккинчи томондан давлат, жамият ва шахснинг таълимга бўлган эхтиёжини қондиради.

Республикамизнинг давлат таълим стандартлари таълимнинг халқаро стандартлаштириш тизимига яқинлаштирилганлиги унинг мустаҳкам кўрсатигичи бўлиб, халқаро тан олиниши учун асос бўлиб хизмат қилади. Тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандартларининг эталонлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1533-сонли, 2012 йил 7 майдаги "2012-2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги ПҚ-1751-сонли, 2012 йил 4 июндаги "Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-1771-сонли қарорларида олий таълим тизимини модернизациялаш йўналишлари ва янги авлод давлат таълим стандартларини яратиш тамойиллари белгилаб берилган, жумладан:

- республика ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айникса, юкори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган бакалаврлар тайёрлашни такомиллаштириш ва модернизациялаш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини агрегациялаш ва унификациялаш бош йўналиш сифатида белгиланган;
- магистратурада - мутахассисларни тайёрлаш учун кўпрок чуқурлаштирилган ва дифференциаллаштирилган мутахассисликлар бўйича биринчи навбатда, юқори ва инновацион технологияларга эътибор каратилган.

ДТСларни ишлаб чикишга: таянч олий таълим муасасаларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари, ўқув-методик бошқарма бошликлари, деканлари, кафедра мудирлари, Фанлар Академиясининг тармок ИТИлари, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик ташкилотларининг етакчимутахассислари жалб этилди.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, —Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. —Т.: «Ўзбекистон», 1992.
3. Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. —Т.: «Шарқ», 1993.
4. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. —Т.: «Ўзбекистон», 1994.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. —Т.: «Ўзбекистон», 1994.
6. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. —Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, 1996.
8. Каримов И. А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Т.: «Шарқ», 1997.
9. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур», 1998.
10. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. 1997.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Тошкент , 1997 й., 29 август №463-1
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№4, 05.01.98 й.), «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида».
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№5, 05.01.98 й.), «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида».
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№77, 24.02.98 й.), «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида».
16. ЎзРСТ 1.8.-94. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Раҳбарий ҳужжатларни ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.
18. Б.Х.Рахимов, Р. Ражаббаев «Некоторый вопросы развития двухуровной системы высшего образования Узбекистана» Матералы Международной конференции «Состояние и переспективы развития высшего образования в Казахстане – влияние программы Темпус». 21-22 сентября 201-г., Алматы, 2010 г., стр. 133-141.

19. Р.Ражаббаев, Ҳ.Хуснутдинова, А.Умаров. Олий таълимнинг янги авлод давлат таълим стандаротларини ишлаб чиқишнинг концептуаль асослари ва генезеси. Таълим муаммолари.Илмий-услубий журнали. Тошкент 2010 йил 2–сон. 42-46 бет.

20. Р.Ражаббоев, Б.Махмудов “Такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари” (унда олий таълим тизимидаги илғор тажрибалар акс этди) «Маърифат» газетаси, 2008 йил 15 март сони.

21. Ватанни севмоқ иймондандир (иншолар тўплами). —Т.: 1995.

22. Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг хикматли сўзлари. —Т.: «Шарқ», 1998.

23. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Ҳалоллик бозорда сотилмайди. —Т.: «Адолат», 1998.

24. Ғайбуллоҳ ас-Салом, Юсупов И., Отажонов Н. Истиқлол ва маънавият (илмий мақолалар). «Наманган», 1999.

25. Маънавият юлдузлари: «Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар». — Тўлдирилган қайта нашр. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999.

26. Мустақиллик, маънавият ва тарбия (мақолалар тўплами). Термиз, 2000.

27. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. —Т.: «Шарқ», 2001.

28. Ғуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. —Т.: «Меҳнат», 2001.

29. Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим — мадрасайи олия — университет тарихидан лавҳалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Самарқанд, 2001.

30. Идея национальной независимости: основные понятия и принципы. — Т.: «Ўзбекистон», 2001.

31. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли, тажрибавий луғат). —Т.: «Янги аср авлоди», 2002.

32. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. —Т.: «Шарқ», 2002.

5500с.

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**(Илмий-услубий қўлланма)**

Босишга рухсат этилди 22.11.2012 й. Бичими 60х84 1/16.
«Times New Roman» гарнитураси. Шартли босма табоғи 4.5.
Адади 200 дона. Буюртма № Т-41-1.

«TAFAKKUR-BO'STONI» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Чилонзор кўчаси 1 уй.